

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

ИРГАШЕВА НИГОРАНИНГ

**5220200-тарих таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш
учун**

**“ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИДА АМУДАРЁНИНГ ТУТГАН
ЎРНИ” мавзусидаги**

Битирув малакавий иши

Илмий раҳбар: тарих фанлари доктори,

Шайдуллаев Шапулат Базарович

Термиз – 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ	—
1-БОБ. Амударёнинг Ўрта Осиё халқлари тарихида тутган ўрни	-
1.1. Амударёнинг географик жойлашуви.....	-
1.2. Амударёнинг тарихий географияси.....	27-48
2-БОБ. Қадимги Хоразм цивилизациясининг шаклланишида Амударёнинг ўрни	49-72
2.1. Хоразм тўғрисида ёзма манбалар	49-65
2.2. “Хоразм” этнонимининг Амударё қуйи ҳавзасида пайдо бўлиши ва унинг тарихий илдизлари.....	65-72
2.3. Амударё диний қарашларни боғловчи сув йўли.....	
2.4. Қадимги Бақтрия маданияти таъсирида шакланган Хоразм ёдгорликлари.	
ХУЛОСА	.73-78
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР	79-83

1-БОБ. АМУДАРЁНИНГ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ.

1.1. Амударёнинг географик жойлашуви

Амударё Ўрта Осиё ва Оролбўйи минтақасининг табиий-иқлим шароитини белгилаб берувчи энг муҳим икки дарёсидан биридир. Унинг ҳар хил геологик даврлардаги сув режими ва динамикаси ҳудуднинг тарихий-географик харитасини вужудга келтирган.

Ўтган асрда Ўрта Осиёда чўллашиш жараёни кучайиб бораётганлиги хусусидаги фаразлар қатор тадқиқотчиларни Амударё сувининг тарихий динамикаси билан махсус шуғулланишга ундаган эди. Л. Берг, К. Марков, С.П. Толстовлар¹ бу борада салмоқли ишларини амалга оширдилар. Хоразм экспедицияси ходимларининг геоморфолог олима А.С. Кесь билан ҳамкорликдаги тадқиқотлари натижасида қуйи Амударё ҳавзасининг турли геологик даврлардаги табиий-географик ҳолати ва антропоген ландшафтининг шаклланиши юзасидан илк бор фундаментал тадқиқот иши эълон қилинди². Ҳудудда кейинги йилларда олиб борилган изланишлар В.Б. Андрианов томонидан умумлаштирилди.

Геоморфологик текширувларга кўра, Мезазой эраси давомида Ўрта Осиёнинг катта қисмини эгаллаган Тетис денгизи шарққа томон чекина бориб унинг ўрнида кенг текисликлар ҳосил бўлади. Неоген даврининг Миоцен босқичида (12–5 млн. йил аввал) бутун Ўрта Осиё ландшафтини белгилаб берувчи чўл (арид) иқлими қарор топади.

Ўрта Осиё табиий ландшафтининг шаклланишида ҳудуддан турли йўналишда ҳаракатланган дарёлар ва шамолларнинг фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Бунда, айниқса палео-Амударё, палео-Сирдарё ва палео-

¹ Толстов С.П. Древний Хорезм ... – С. 43–56.

² Низовья Аму-дарья, Сарыкамыш, Узбой (История формирования и заселения) // МХЭ. Вып.3. – М.: Изд. АН СССР. 1960.

Зарафшон дарёларининг фаолияти муҳим ўрин тутган. Неоген ва плейстоцен даврларида ушбу дарёлар ва уларнинг ўзгарувчан ирмоқлари денгиздан бўшаган текисликларни аллювиал ётқизиқлар билан тўлдирар борган. Қуриб қолган дарё ва кўл остидаги юмшоқ аллювиал чўкинди жинслар шамолатасирига тушиб, ҳудуднинг кўп жойларида юмшоқ қум массивларини ҳосил қилган. Мана шу жараёнда неоген даврининг сўнгги босқичи плиоценда (4–3 млн. йил бурун) бугунги Қорақум саҳроси юзага келади. Бунда қадимги Амударёнинг фаолияти айниқса аҳамиятли бўлган.

Амударё текисликларни миллион йиллар мобайнида ўзи билан олиб келган тоғ жинслари ва аллювиал ётқизиқлар билан тўлдирар борган. Ушбу дарёнинг бутун геологик тарихини иккита асосий босқичга бўлиш мумкин: биринчиси, плиоцен, қуйи ва ўрта тўртламчи даврларга бориб тақалувчи тарихий давргача бўлган давр, иккинчиси, юқори тўртламчи ва ҳозирги тарихий давр(голоцен).

Биринчи даврда Амударё, унинг қирғоқларида одамлар яшай бошлашларидан анча олдин баланд тоғлардан текисликка оқиб чиққач ҳозирги Чоржуй атрофларида ғарбга томон бурилиб, Каспий денгизи томон оққан³. Бу даврда Амударё Қопетдоғнинг шимолий томони бўйлаб оқиб ҳозирги Қорақум ва Унгузорти Қорақуми тепаликларини шакллантирган⁴.

Қуйи ва ўрта тўртламчи даврнинг палеогеографик харитасига эътибор берадиган бўлсак, ҳудуднинг тузилиши ҳозиргидан анча фарқ қилганлигини кўрамыз⁵. Музлик даврдан олдинги даврларда Амударё Хоразм томонга қараб оқмаган. Бу пайтда Орол денгизи ҳам, Сариқамиш кўли ҳам мавжуд эмасди. Орол, Сариқамиш, Асакавдон ва бошқа пасттекисликларнинг ўрни сувсиз саҳролардан иборат эди. Орол денгизи ўрнидаги ботикдан жанубда, Сариқамиш ботиғидан шарқ томонда Султон Увайс тоғининг бутун жануби

³ Герасимов И.П. Основные черты развития современной поверхности Турана // ТИГ. Вып. 25. 1937. – С. 63;

⁴ Низовья Аму-дарьи ... – С. 16–17.

⁵ Низовья Аму-дарьи ... – С. 18. рис. 2. схема I.

бўйлаб, шарқда Қизилқум, жанубда Унгузорти Қорақуми саҳроларига туташган катта Хоразм кўли мавжуд эди. Хоразм кўлига шимолий-шарқ томондан Сирдарё, жанубий-шарқ томондан Зарафшон дарёлари қуйилган.

Юқори тўртламчи (илк хвалин) даврига келиб, Амударё ғарбга томон йўлини тўсади ва йўналишини шимолга томон ўзгартиради. Амударё энди Унгузорти Қорақумини шарқ томондан айланиб ўтиб, Хоразм кўли томон оқа бошлайди⁶. Мана шу даврдан бошлаб узоқ геологик жараёнлар натижасида худуднинг табиий географик хусусиятларига мос равишда Амударёнинг учта асосий ўзани: Оқчадарё, Сариқамишбўйи ва ҳозирги Оролбўйи дельталарининг таркиб топиш жараёни бошланади.

Тўртламчи даврнинг охирига келиб, аниқроғи қадимги тош даврининг сўнгги босқичида Хоразм кўли ўзининг ғарбий чегараларини ўзгартирмаган ҳолда шарқ томондан ғарбга чекиниб, сувдан бўшаган кўл ўрнида текисликлар ҳосил бўлади. Гидрографик тармоқларнинг ўзгариши натижасида айна пайтда Орол денгизи пайдо бўлади. Геоморфологик тадқиқотларга кўра, Орол денгизи ўрнидаги чуқурликка дастлаб Сирдарё қуйилишни бошлаган. Тўртламчи даврнинг охири (илк хвалин даври)да Сирдарё илгари сувсиз ётган Орол чуқурлиги томон йўл топган. А.С.Кеснинг хулосасига кўра Амударё сувлари Оролга узоғи билан бундан 22 минг йил бурун қуйила бошлаган. Оролга келадиган Амударё сувининг миқдори Сирдарёникига нисбатан 3 баробар кўп бўлсада, Амударё қуйи оқимида ўзанини тез-тез ўзгартириб турганлиги сабабли унинг денгизга қуйилиши барқарор бўлмаган. Бу эса денгиз сатҳининг доимий равишда бир маромда туришига монелик қилган ва унинг худуди гоҳ кенгайиб, гоҳ қисқариб турган⁷.

Амударё фақат Оқчадарё ва Сариқамиш дельталари шаклланиб бўлгач голоценнинг охирида Орол денгизига барқарор равишда қуйила бошлайди.

⁶ Низовья Аму-дарьи ... – С. 17, 344.

⁷ Кесь А.С. Аральское море в голоцене // Археология и этнография Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 19.

Ўрта ва куйи голоцен даврида Амударё Оролга жуда кам сув олиб келган. Бу жараён деярли мил. авв. II минг йилликка қадар давом этган. Мил. авв. II минг йилликдан бошлаб Амударё асосан, Оқчадарё ўзани орқали Оролга томон оққан. Аммо, сувнинг қуйилиши вақт жиҳатидан ҳам, миқдор жиҳатидан ҳам ўзгариб турган. Чунки сувнинг бир қисми баъзан Сариқамиш дельтасига ҳам қуйилган. Тадқиқотларга кўра Орол денгизининг трансгрессияси (максимал сувга тўлган вақти) мил. авв. 2,5 – 1 минг йиллик йилликларга тўғри келади⁸.

Амударёнинг дастлабки пайдо бўлган дельтаси **Оқчадарё** ҳисобланади. Унинг шаклланиш жараёни илк хвалин (юқори тўртламчи) давридан бошланган⁹. Оқчадарё ўзани ҳозирги Тўрткул шаҳри яқинидан бошланган. Унинг шимолга томон йўналган кўп сонли тармоқларидан ҳосил бўлган учбурчаксимон ҳавзаси ғарб томондан Амударё, Султон Увайс тоғи, шарқдан Қизилқум барханлари билан чегараланган.

Юқори палеолит даврининг ўрталарида Амударё сувининг асосий қисми Оқчадарё орқали оққан. Оқчадарё бу пайтда Султон Увайс тоғини шарқ томондан айланиб ўтиб Қизилқум саҳроси орқали Хоразм кўлининг шимолий-шарқий бурчагига, сувнинг бир қисми эса Белтов қирларини шимолий шарқий томондан айланиб ўтиб, Орол денгизи ўрнидаги чуқурликка қуйилган¹⁰.

Музлик даврининг охирларига келганда Оқчадарё ўзанида сув оқими кескин камайиб кетади. Бу Амударёнинг иккинчи йирик Сариқамишбўйи ўзанининг таркиб топиши билан боғлиқ эди. Голоцен даврида аллювиал чўкиндилар билан тўлиб қолган Хоразм кўли ўрнида текислик ҳосил бўлиб, олдинги даврларда сувсиз ётган Сариқамиш ботиғи ўрнида катта кўл ҳосил бўлади. Шу пайтда Амударё сувининг асосий қисми Сариқамиш томонга оққан. Мезолит ва неолит даврларида Сариқамишбўйи дельтаси билан бир

⁸ Ўша жойда. – С. 20.

⁹ Низовья Аму-дарьи ... – С. 17.

¹⁰ Низовья Аму-дарьи ... – С. 35.

вақтда фаолиятда бўлган Оқчадарёда сув оқими мавжуд бўлган бўлсада у илгариги даврлардагидек кўп миқдорда бўлмаган. Неолит даврида Амударёнинг сувлари Оқчадарё бўсағасидан шимолга ёриб ўтиш даражасида бўлмаган. Бу эса мил.авв. IV–III минг йилликларда жанубий Оқчадарё хавзасида сувнинг кўп миқдорда тўпланиб, бу ерда кўп сонли кўллар ва ботқоқликларнинг ҳосил бўлишига олиб келган. Шимолий Оқчадарё хавзасида мил. авв. II минг йилликнинг биринчи ярми ва ундан олдинги даврларга оид манзилгоҳларнинг нисбатан кам топилганлиги бу ҳудудда сув оқимининг бўлмаганлиги билан асослаш мумкин. Жанубий Оқчадарё хавзасида эса сувнинг ҳаддан зиёд бўлганлиги туфайли неолит овчи-балиқчилар маконларининг аксарияти тепалик ва дўнгликлар устида қайд қилинади¹¹.

Мил. авв. III минг йиллик охирида Сарикамишбўйи дельтасидаги ирмоқларнинг лойқа билан тўлиб қолиши натижасида Оқчадарё ирмоқлари яна қайтадан жонланади¹². Ушбу давр Оқчадарёнинг энг фаоллашган даври ҳисобланади. Сувнинг кўп миқдорда бўлиши Шимолий Оқчадарё дельтасида ҳам сув оқимини вужудга келтиради. Оқчадарё хавзасида неолит манзилгоҳлари устида пайдо бўлган 1,5 м гача етадиган қумоқ чўкинди жинслар бундан далолат беради. Хоразм бронза даврининг йирик мутахассиси М.А. Итина мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми I минг йиллик бошларида Оқчадарё ўзани ирмоқлари атрофларида аҳоли зич яшаганлигини қайд қилади. Шундай қилиб, Амударё ўз йўналишини янгидан шарққа томон ўзгартириши туфайли Оқчадарё ўзани дастлаб доимий, мил. авв. I минг йиллик бошларига қадар эса даврий равишда сув билан таъминланиб турган.

¹¹ Итина М.А. К истории изучения бронзового века Южного Приаралья // Приаралье в древности и средневековье. – М., 1998. – С. 79–80.

¹² Низовья Аму-дарьи ... – С. 66.

Мил. авв. I минг йилликдан бошлаб Оқчадарёда сув оқими кескин камайиб кета бошлаган. Антик даврга келиб эса у тамоман куриб қолади¹³.

Чап қирғоқ Хоразм воҳаси Қорақумдан шимолда, Устюрт ва Сарикамиш ботиғининг жануби ва шарқдаги кенг ҳудудларни ўз ичига олиб, географик атамашуносликда **Сарикамишбўйи дельтаси** деб юритилади.

Сарикамишбўйи дельтаси пасттекисликдан иборат бўлиб, унга жануб ва ғарб томондан Қорақум саҳроси ёндашиб келади. Бу қумлар жанубда Қопетдоғгача, ғарбда Каспий денгизигача бориб етади. Уларнинг шимолий қисми Унгуз қирларидан бошлаб Хоразм воҳаси ва Сарикамиш чуқурлигигача қисман бўр даври ва асосан учламчи давр жинсларидан иборат бўлиб, усти сариқ қум тепаликлари билан қопланган¹⁴.

Ер юзаси бир томондан шимолга – Орол денгизи томон, иккинчи томондан ғарбга, Сарикамиш сари ҳар километрда 0,2–0,4 м га пасайиб боради. Ҳудуднинг умумий майдони 1 млн. га. ни ташкил этиб, уни Амударёнинг Қанҳадарё, Тунидарё, Довдон, Дарёлик (Қўхнадарё) каби кўхна ирмоқлари кесиб ўтади¹⁵.

Амударёнинг сўл соҳилдаги қадимий ўзанларидан энг катта ва аҳамиятлиси Довдон ва Дарёлик ҳисобланади. Довдон ҳозирги Хонқа ва Янги Урганч оралиғида, Дарёлик эса, Янги Урганчдан 15–18 км шимолроқда Амударёдан ажралиб чиққан. Улар бир бирига нисбатан 20–30 км масофада параллел равишда ғарбга томон ҳаракатланган.

Пасттекисликнинг ҳар ер-ҳар ерида қад кўтариб турган Бутентов, Манқир, Тузқир, Таримқоя, Қанғхақир, Зангибобо, Тойқир, Қалъалиқир, Кўзалиқир, Қубатов ва бошқалар ясси тоғ қирлари бўлиб, атрофдаги жойлардан 20–40 м ва ундан ҳам баландроқ кўтарилиб туради.

¹³ Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М., 1962. – С. 91–92.

¹⁴ Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи ... – Б. 39.

¹⁵ Низовья Амударьи ... – С. 147–174.

Мил. авв. 3–2 минг йилликларга келиб дельтанинг аксарият ирмоқлари аллювиал чўкиндилар билан тўлиб бўлиши натижасида Сарикамиш дельтаси шаклланиб бўлган эди. Бу даврда Амударёнинг гидрографик тизимида туб ўзгаришлар содир бўлган. Тўлиқ ғарб томонга оқа бошлаган Амударё сувларининг жуда катта қисми Сарикамиш ботиғи ва унинг атрофларидаги катта-кичик ботиқларни сув билан тўлдирган. Довдон музлик давридан кейинги ибтидоий даврда Амударёнинг Сарикамишга оққан энг фаол тармоғи бўлган. Сарикамиш кўлининг сатҳи денгиз сатҳидан 58 м гача кўтарилган. Йиғила борган катта сув массаси Унгузорти Қорақуми ва тепаликлар орасидаги ботиқлар оша йўл очиб, Устюртнинг жануби орқали жанубий-ғарбий йўналишда Каспий денгизининг шарқий кўрфази томон ҳаракатлана бошлайди. Шу тариқа узунлиги 550 км га етадиган Узбўй сув йўли шакллана бошлайди¹⁶.

Мил. авв. IV–III минг йилликларда Амударё сувлари Каспий денгизигача етиб борган. Сувнинг асосий қисми мил. авв. II минг йилликка қадар ғарбга – Сарикамишбўйи дельтасига томон оққан.

Археологларнинг қайд қилишларича, Узбўй ва Довдон оқимида қадимда калтаминорликларнинг жойлашиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд эди. Ушбу ҳудудда олиб борилган археологик қазишмалар жараёнида неолит даврига оид тош қуроллари намуналари топилган. Худди шундай манзара қадимги Довдоннинг қуйи ҳавзаларида ҳам кузатилган¹⁷. Бу даставвал, Узбўйнинг сув ҳавзаси сифатида фаолиятда бўлганидан ва унинг атрофларида сўнгги неолит даври овчилари яшаганлигидан далолат беради.

Мил. авв. III–II минг йилликлар чегарасида Узбўйда сув оқими деярли тўхтаган. Мил. авв. II минг йиллик бошларидан унда сув оқими бўлмаган¹⁸.

¹⁶ Низовья Аму-дарьи ... – С. 21.

¹⁷ Толстов С.П. Итоги работ ХАЭЭ АН СССР в 1953 г. // ВДИ. – М., 1955. – № 3. – С. 192–206.

¹⁸ Вайнберг Б.И. Этногеография Турана ... – С. 22.

Неолит давридагига нисбатан бронза даврига оид манзилгоҳларнинг кам учрашилиши ҳам ана шу табиий омиллар билан боғлиқ деб ҳисобланади¹⁹.

Оролбўйи дельтаси Амударёнинг энг ёш дельтаси ҳисобланади. Мил. авв. II–I минг йилликлар чегарасида Амударёнинг иккита асосий тармоғи ҳисобланган Сариқамиш ва Оқчадарё ўзанларининг лойқа ва чўкинди жинслар билан тўлиб қолиши натижасида уларнинг юзаси кўтарилиб қолади. Амударё эса бу икки ўзаннинг ўртасидаги пастликдан янги йўл топади. Амударё Нукус шаҳридан кейин Оқдарё, Эркиндарё, Кўхнадарё, Толдиқдарё, Қозоқдарё каби тармоқларга ажралиб Оролбўйи дельтасини вужудга келтиради. Мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи ярмига келганда Амударё сувининг асосий қисми Оролбўйи дельтаси орқали Орол денгизига қуйилган²⁰.

Плейстоценнинг охири ва голоцен даврида қуйи Амударё ҳавзасининг палеогеографик манзараси шундай ҳолатда эди. Ҳудудда вужудга келган қулай географик ва иқлим шароитлари ўз навбатида бу ерда ибтидоий одамларнинг кенг ёйилишини таъминлади.

¹⁹ Низовья Аму-дарья ... – С. 23.

²⁰ Вайнберг Б.И. Этногеография Турана ... – С. 217.

2-БОБ. Қадимги Хоразм цивилизациясининг шаклланишида Амударёнинг ўрни.

2.1. Хоразм тўғрисида ёзма манбалар ва “Катта Хоразм” муаммоси.

Узоқ давр мобайнида фанда Аҳамонийларга қадар Ўрта Осиёда Қадимги Бақтрия билан бирга “Катта Хоразм” давлат бирлашмаси мавжуд бўлганлиги хусусида илмий қараш устивор бўлиб, унинг таркибига қуйи Амударё хавзалари ҳам киритиб келинди. Бироқ, кейинги йилларда археология ва тарих фанида қўлга киритилган янги материаллар унинг шимолий худуди чегараларига аниқликлар киритишни кун тартибига қўйди.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авесто ва қадимги юнон тарихчилари асарларида келтирилган қисқа маълумотлар “Катта Хоразм” муаммосининг пайдо бўлишига асосий манба бўлиб хизмат қилган эди. Авестода (Меҳр Яшт. Х.) арийларнинг юрти ҳақида шундай дейилади:

Ботир шоҳлар сўқиш, жадалга	Кема юргич кенг дарёлару
Сафлангувчи ўшал ерларни,	Сокин сувлар ўз оқимларин
Осмонўпар тоғу тошларни,	Парут Ишката томон,
Сокин, бўлиқ яйловлар ичра	Марву Харайва томон,
Ўтлаб юрган семиз молларни.	Суғддаги Гава томон
Тўлқинлари баланд сапчиган	Жадал элтишин кўрар
Чуқур мовий кўлларни кўрар.	Ва ё Хваразми томон ²¹ .

Вандидотнинг биринчи фаргардида Ахурамазда томонидан яратилган 16 та мамлакат орасида биринчи бўлиб “Арьянам Вайжо” тилга олинади ва мазкур обод юртда йилнинг 10 ойида қаҳратон совуқ ва икки ой ёз бўлиши айтилади²².

²¹ Исҳоқов М. Авесто: Яшт китоби. – Тошкент; Шарқ, 2001. – Б. 49–50.

²² Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Аскар Маҳкам тарж. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 107.

Геродот (мил. авв. 484–424 й.) “Тарих” китобида Аҳамонийлар салтанатига бўйсундирилган ҳудудлар ҳақида тўхталар экан, мил.авв. VI асрда яшаган юнон муаллифлари Скилак ва Гекатейга суяниб шундай маълумотларни келтиради: “Осиёда ҳамма томони тоғлар билан ўралган бир водий бор, тоғларда бешта дара бор, қачонлардир бу ерлар хорасмийларга тегишли бўлган ва хорасмийларнинг ерлари гиркан, парфиялик, саранг ва таманейларнинг ерларига чегарадош бўлган. Хукмронлик форслар қўлига ўтгач, бу ерлар форс подшосига тегишлидир. Ана шу водий атрофидаги тоғлардан Акес деб аталувчи катта дарё оқиб тушган. Шу дарё беш ирмоққа бўлиниб, юқоридаги халқлар ерларини суғорган ... Аммо, форсларга қарам бўлгандан кейин бу халқлар мана қандай аҳволга тушдилар. Шоҳ тоғ дараларини беркиттириб, тўғон дарвозалар курдирди. Водийда сунъий қўл ҳосил бўлди. Илгари бу сувлардан фойдаланиб келган қабилалар энди бу имкониятлардан маҳрум бўлиб, ночор аҳволга тушдилар. Қишда албатта бошқа жойлардагидек, худо уларга ҳам ёмғир юборади, ёзда эса улар экадиган тариқ ва кунжут доим сувсиз қолади. Мутлақо сувсиз қолганларида улар хотин-бола чақалари билан форслар юртига борадилар, шоҳ саройи қаршисига туриб олиб баланд овозлар билан ачинарли ҳолда фарёд қиладилар. Сув танқислиги қайси бирларида кўпроқ бўлса, шоҳ тегишлиларига тўғонни очишни буюради. Ерлар суғорилгач, яна тўғонни беркитишни буюради, энди бошқа сувга ташна қабилалар ерларига сув очадилар. Бироқ менга айтишларича, тўғон дарвозасини очиш учун шоҳ катта пул (божлардан ташқари) олар экан”²³.

Аҳамонийлар давлати сатрапликлари ва уларнинг салтанатга ҳар йили тўлайдиган тўловлари ҳақида Геродот шундай ёзади: “Саклар ва каспийлар салтанатнинг 15-сатраплигини ташкил этиб, улар 250 талант, парфиянлар, хорасмийлар, суғдлар ва арияликлар 16-сатрапликни ташкил этиб, форсларга 300 талант ўлпон тўлашган”²⁴.

²³ История Узбекистана в источниках. – Ташкент: Фан, 1984. – С. 57.

²⁴ Геродот. История в девяти книгах / Пер. Г.А.Стратановского. – Л.: Наука, 1972. III. 93.

“Катта Хоразм” муаммосининг асосчиси немис олими И. Маркварт ҳисобланади. Олим паҳлавийлар урф-одат ва анъаналарини ўрганар экан улар ўз эътиқодларида Хоразмга алоҳида ҳурмат билан қарашларига эътибор беради. Авестода Хоразмнинг “Кайризао” шаклида бир маротаба эслатилиши И. Марквартда Хоразм ушбу китобда бошқа ном билан юритилган бўлиши керак деган фикрни келтириб чиқаради. Шунга кўра олим Авестода пайғамбар Зардушт ватани сифатида эслатиладиган “Арьянам Вайжо” бу Хоразм деган хулосага келиб, Аҳамонийларга қадар шарқий Эрон қабилаларининг Хоразм етакчилигидаги катта давлат бирлашмаси мавжуд бўлганлиги хусусидаги фаразни илгари суради.

И. Маркварт ғоясини бироз шубҳа билан бўлсада В.В. Бартольд ҳам қабул қилади. У Хоразм ҳақида “Ислом энциклопедияси”га ёзган мақоласида “Марквартнинг “Арьянам Вайжо” – Хоразм хусусидаги фарази ўзида кўп нарсани англатади” дейди²⁵.

1938 йилда И. Маркварт Гекатейнинг “парфияликлардан шарқда жойлашган хорасмийлар” ҳақидаги маълумоти ва Геродотнинг Акес дарёсига қурилган тўғон хусусидаги ҳикояси ҳамда, Аҳамонийлар давлати 16-сатраплиги тўғрисидаги хабарлари асосида ўзининг олдинги қарашларини чуқурлаштириб йирик монографиясини эълон қилади. Шу йили инглиз олими В. Тарн Юнон-Бактрия подшолигига бағишланган монографиясининг “Хорасмия” деб номланган махсус экскурсида шарқий Хуросон ҳудудларида Аҳамонийларга қадар хорасмийлар ҳукмронлик қилган бирлашма мавжуд бўлганлигини таъкидлаб шундай ёзади: “Аҳамонийлардан аввалги Хоразм қудратининг манбаи унинг массагет қабилалари бирлашмасида етакчи мавқега эга бўлганлигига барча асослар бор. Бу бирлашма уни битмас-туганмас ҳарбий куч билан таъминлаб турган. Геродот ва Страбон массагетларни беш қабиллага: дербиклар, апасиаклар, аттасийлар, хорасмийлар ва авгасийларга бўлади. Булар ичида хорасмийлар етакчи

²⁵ Бартольд В.В. Работы по исторической географии ... Т. III. – С. 544.

мавқега эга бўлган. Бу бирлашмада Хоразмнинг устун туриши унга Ўрта Осиёнинг шимолий ва ғарбий қисмларига етакчилик қилиш имконини берган. Бироқ Эронда Ахамонийлар давлатининг юксалиши Хоразм давлати куч-қудратининг ўсишини чеклаб қўйган”.

“Катта Хоразм” ғояси ўтган асрнинг 50-йилларда В.Б. Хеннинг, Ф.Альтхайм ва И. Гершевич томонидан ривожлантирилади. И. Маркварт ғояларининг археологик жиҳатдан тасдиқланмаётганини кўрган В.Б. Хеннинг ва И. Гершевич устозининг фикрини бир оз ўзгартирган ҳолда қўллаб-қувватлайдилар. В.Б. Хеннинг арийларининг ватани “Арьянам Вайжо”ни Хоразм билан боғлайди ва уни кенг ҳудудда кўради. Авестонинг ватани Хоразм эмас, балки Тажан ва Мурғоб атрофларидир деб таърифлайди.

И. Гершевич ҳам “Катта Хоразм” сиёсий уюшмасини Хоразм ҳудудида эмас, балки Тажан ва Мурғобдадир деб ҳисоблайди. У Тажан ва Мурғобдаги ўтроқ, ривожланган деҳқончилик маданиятининг Хоразмдан анча қадимийлигини ўз назариясининг асоси қилиб олади.

В.В. Струве эса Хоразм давлатчилиги тўғрисида шундай ёзади: “... ёзма манбалар бўйича гапирадиган бўлсак, мил. авв. VI асрда Ўрта Осиёда энг камида иккита сиёсий бирлашма, яна ҳам аниқроғи, давлатлар бўлган. Булар Амударёнинг қуйи оқимидаги Хоразм, юқори оқимидаги Бақтрия давлатларидир. Уларнинг маданий ва сиёсий таъсир доираси анча кенг бўлган. Хоразм Копетдоғ этаклари ва Тажан ўлкасини, мумкинки Сўғдиёнани ҳам бирлаштирган бўлса, Бақтрия ўз ҳудудидан ташқари Мурғоб ўлкаларини ҳам ўз ичига олган”²⁶.

М.М. Дьяконов “Акес дарёсидан хорасмийлар, парфияликлар, гирканлар, арийлар ва бошқа қўшни вилоятлар бирга фойдаланганлиги қандайдир қабилалар иттифоқи ёки илк давлатлар бирлашмаси тўғрисидаги фикрни беради” деган хулосага келган²⁷.

²⁶ Струве В.В. Древний Иран и Средняя Азия // Всемирная история. – М., 1955. Т. 1. – С. 590.

²⁷ Дьяконов М.М. Очерк истории Древнего Ирана. – М., 1961. – С. 64.

Ўтган асрнинг 70-йилларга келиб, “Катта Хоразм” мавзуси тарихчилар орасида яна қизгин мунозарага айланди ва у И.М. Дьяконов²⁸, Р. Фрай²⁹, И.В. Пьянков³⁰, М.Г. Воробьева³¹, Б.И. Вайнберг³² тадқиқотларида ўз аксини топди.

И.М. Дьяконов Зардушт тарғиботидан олдин мавжуд бўлган сиёсий бирлашма – “Арьяшайона”ни Дрангиана, Харайва, Саттагидия ва Марғиёна ҳудудларига жойлаштириб, унинг шимолий сарҳадларига Амударё ўрта оқимидан Хоразмга қадар бўлган ерларни киритади³³. Б.И. Вайнберг “Арьянам Вайжо”ни шимолий-шарқий Оролбўйи ва қуйи Сирдарё ҳавзалари билан локализациялайди. Олима Дайтия (Амударё)ни “Арьяшайона” билан “Арьянам Вайжо” ўртасидаги чегара деб ҳисоблайди³⁴.

Амударёнинг қуйи ҳавзаларида Хоразм археологик-этнографик экспедицияси кашфиётлари туфайли Кўзалиқир, Қалъалиқир, Дингилжа каби қалъа-кўрғонлар топиб ўрганилгач, С.П. Толстов Геродотда келтирилган Акес дарёсини Хоразм воҳасига жойлаштириб, қадимги Хоразм шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақидаги концепцияни кўтариб чиқди ва “Катта Хоразм” давлатининг мавжуд бўлганлигини асослайди³⁵. С.П. Толстов фикрига кўра, Хоразмда Аҳамонийлар империясига қадар хорасмийлар етакчилигида ўтроқ аҳоли билан кўчманчи сак-массагет қабилаларининг ҳарбий-сиёсий иттифоқи секин-аста йирик давлат даражасига ўсиб чиққан³⁶. С.П. Толстов Амударё қуйи ҳавзалари “Катта Хоразм” таркибида бўлган, деган ғояни тасдиқлаш мақсадида саранглар ва таманейларни Хоразм воҳаси яқинига жойлаштиради ва улар

²⁸ Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира (К возможности новых постановок вопроса) / История Иранского государства и культуры. – М., 1971. – С. 122–154.

²⁹ Фрай Р. Наследие Ирана / Пер. с англ. В.А. Лившица и Е.В. Зеймалю. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Изд-во вост. лит., 2002. – С. 64–66.

³⁰ Пьянков И.В. Хорасмий Гекатея Милетского ... – С. 3–21.

³¹ Воробьева В.Г. Проблема «Большого Хорезма» ... – С. 38–42.

³² Вайнберг Б.И. Этногеография Турана ...

³³ Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира ... – С. 136–137.

³⁴ Вайнберг Б.И. Этногеография Турана ... – С. 197–198., 200–201.

³⁵ Толстов С.П. Древний Хорезм ... – С. 20 и сл., 286 и сл., 341; Ўша муаллиф. По следам ... – С. 103 и сл.

³⁶ Толстов С.П. Древний Хорезм ... – С. 341.

дастлаб Узбўй бўйлаб яшаганлар, Амударё Каспийдан Орол денгизи томон бурилгач, Узбўй водийси сувсиз қолади. Натижада саранглар ва таманейлар Узбўйдан жанубга кўчиб кетадилар, деган мулоҳаза юритади³⁷. Албатта, С.П. Толстовнинг бу фаразлари мунозаралидир.

Дарҳақиқат, қадимги Хоразм тарихи ва маданиятининг чуқур билимдони С.П. Толстов асарларида кўтарилган баъзи бир назарий қарашларни қайта таҳлил этиш лозим. Хусусан, Хоразмда сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши, ҳудудда суғориш тизимларининг ривожланиш динамикаси ва давлатчиликнинг илк босқичлари хусусидаги фикрлари шулар жумласидандир. Масалан, С.П. Толстов дастлаб қадимги Хоразмда ирригация кўзга ташланадиган даражада ривожланмаган: Амиробод маконлари ҳар доимгидек, каналларга боғланмай дамбалар орқали олиб борилган сувлар ҳосил қилган қаир деҳқончилиги эди³⁸, деб тўғри ёзган. Бироқ, кейинроқ Амиробод маданиятига хос (мил.авв. X–VIII асрлар) қаир деҳқончилигини бронза даврининг Тозабоғёб маданияти билан боғлаб, Амиробод даврининг суғориш тизимлари мураккаброқ бўлган, ўлчамлари жиҳатидан деярли антик давр каналларини эслатади, дейди. Бунинг исботи сифатида у Бозор 8 манзилгоҳи районида дарё ўзанидан тортилган, узунлиги 1 км гача бўлган қатор каналлар излари борлиги, улардан экин майдонларига ариқлар тортилганлиги, биргина Бозор 8 манзилгоҳи районида ана шундай каналлар ёрдамида яқин 200 га ер суғорилганлиги ҳақида ёзади. Амиробод маданиятининг охирларида (мил.авв. VIII асрнинг охири–VII аср бошлари) ирригация системаси янада ривожланган шаклга кирди, каналларнинг узунлиги бир неча км га чўзилди³⁹. Бу каналларнинг қурилишида кул меҳнатидан фойдаланилган, деган хулосаларга келган.

Ўз вақтида бунга А.М. Беленицкий, А.М. Мандельштам ва С.С. Черниковлар эътироз билдиришиб, Ўрта Осиёда қадимги суғориш

³⁷ Толстов С.П. Древний Хорезм ... – С. 54, 341; Ўша муаллиф. По следам ... – С. 103–104.

³⁸ Толстов С.П. По следам ... – С. 90.

³⁹ Толстов С.П. По древним дельтам ... – С. 74–75.

тизимларининг қурилиши деҳқон жамоалари ва уларнинг бирлашган иттифоқи кучи билан ҳам амалга оширилиши мумкинлигини таъкидлайдилар. “СССР тарихининг очерклари”да: “Ўрта Осиёнинг бу давр жамиятида синфий муносабатлар ва давлатчиликнинг илк шакллари сўзсиз пайдо бўлган эди” деган хулосага келинган. Бундай хулосалар С.П. Толстов ғоялари таъсирида пайдо бўлганлиги ҳақиқатга яқиндир: “Хоразмнинг бронза даври ирригация тармоқлари материалларида суғорма деҳқончиликлнинг барча ривожланиш босқичларини – ибтидоий хавза-қаир деҳқончилигидан ирригация иншоотларини барпо этиш, яъни антик давр ирригация системасига яқин шакллариғача кузатишимиз мумкин. Охирги ҳолат кулдорлик тузуми муносабатларининг пайдо бўлиши ... айнан шу даврда бошланганлиги ҳақида фикр юритишга асос беради”⁴⁰, деган хулосалар ҳам С.П. Толстовга тегишлидир.

В.М. Массон С.П. Толстовнинг Хоразмда мил. авв. VIII–VII асрларда дастлаб қабилаларнинг ҳарбий конфедерацияси пайдо бўлди, сўнг бу конфедерация давлат уюшмасига ўсиб чиқди⁴¹, деган тезисига қарши, Хоразмда бу даврда ҳали ибтидоий қаир деҳқончилиги ва яйлов чорвачилигига асосланган қабилалар хўжалиги давом этарди, мавжуд археологик материаллар таҳлили Хоразмда Аҳамонийларга қадар марказлашган давлатнинг таркиб топганлигини тасдиқламайди⁴², дейди. Бу даврда бундай давлат уюшмаси йирик суғориш тизими таркиб топган Марғиёнада⁴³, Бактрияда⁴⁴ пайдо бўлиши табиийдир. Бироқ, кейинроқ В.М. Массон қадимги Хоразм цивилизациясига махсус бағишланган мақоласида “Қадимги Хоразм цивилизациясини тарихий илдизлари Тозабогёб маданиятининг ирригация деҳқончилигига бориб тақалади ... Амиробод маданияти эса моддий маданият ва суғорма деҳқончиликда Тозабогёб анъаналарини давом эттиради ... Қуйисой маданияти комплексларида

⁴⁰ Толстов С.П. По древним дельтам ... – С. 75.

⁴¹ Толстов С.П. Древний Хорезм ... – С. 341.

⁴² Массон В.М. Древнеземледельческая культура ... – С. 126–127.

⁴³ Ўша жойда. – С. 129.

⁴⁴ Сагдуллаев А.С. Усадбы Древней Бактрии ... – С. 63; Аскарлов А. Ўзбекистон тарихи ... – Б. 117–120.

Марғиёна ва Каспий бўйи вилоятлари аҳолисининг кулолчилик дастгоҳларида ясалган сифатли керамикаси учраши ва буларнинг барчаси биргаликда мил.авв. VI–IV асрларда Амиробод маданиятининг деҳқончилик хўжалиги асосида қадимги Хоразм цивилизациясини шаклланишига олиб келди”⁴⁵, деб ёзади.

Америкалик шарқшунос олим Р. Фрай “Катта Хоразм” давлатининг ҳудуди Марв ва Хирот атрофларини қамраб олган деб ҳисоблаб, Кир II томонидан бу давлатга барҳам берилгач, унинг аҳолиси Окснинг шимолий томонига кўчиб келганлигини ёзади⁴⁶. Мазкур фикр В. Тарн, Ф. Альтхайм, В.Б. Хеннинг, И. Гершевич, В.М. Массон, И.В. Пьянков, Б. Гофуров, Л.С. Толстова ишларида ҳам акс этган. Аммо, аҳолининг жанубдан шимолга кўчиб ўтган вақти ҳақида турлича фикр билдирилган.

И. Маркварт, А. Киссинг, В. Томашек, С.П. Толстов, И.М. Дьяконов, М.М. Дьяконов, В.Б. Андрианов, М.Г. Воробьева, Г. Ньюли сингари тадқиқотчилар эса хорасмийларнинг жанубдан кириб келганликларини инкор этадилар. Уларнинг фикрича, “Катта Хоразм” давлат бирлашмасининг маркази қуйи Амударё ҳавзалари бўлиб, аҳамонийларгача улар ўз таъсир доираларини жанубга (Марв-Хирот воҳаси) томон ёйганлар.

С.П. Толстов шогирдларидан бири М.Г. Воробьева “Катта Хоразм”нинг жанубий чегараси Амударёнинг ўрта ҳавзалари (Қўшқалъа-Одайтепа атрофлари)дан ўтган⁴⁷, унинг шимолий чегараси эса Амударёнинг қуйи ҳавзаларини қамраб олган дейди ва Қадимги Хоразм давлати “Катта Хоразм” давлат конфедерациясининг таркибига кирганлигини асослайди.

Мавжуд археологик ва ёзма маълумотлар таҳлилидан келиб чиқиб, Г. Ньюли “Катта Хоразм” давлати мавжуд бўлганлигини мутлоқо рад этган бўлса, Жанубий Туркменистоннинг қадимги давр археологияси ва тарихий

⁴⁵ Массон В.М. Цивилизация древнего Хорезма ... – С. 88–90.

⁴⁶ Фрай Р. Наследие Ирана. – М.: Изд-во вост. лит., 2002. – С. 64–65.

⁴⁷ Воробьева М.Г. Проблема “Большого Хорезма” ... – С. 38–42.

географиясини тадқиқ этган И.Н. Хлопин “Катта Хоразм” фаразини “баъзи тадқиқотчиларнинг ҳаёлий тасаввурлари меваси” деб ҳисоблайди⁴⁸. И.В. Пьянков эса Хоразмда мил. авв. VII–VI асрлар оралиғида давлатчиликнинг мавжудлигини қадимги ёзма манбалар асосида инкор этади⁴⁹.

С.П. Толстовнинг қадимги Хоразмда илк шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлиши ҳақидаги ғояси қўшимча илмий асослар талаб этишини эътироф этган шогирдларидан Б.И. Вайнберг бу масалага бошқачароқ ёндашди. У қадимги Хоразмда илк шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлиши муаммосини чорвадор Қуйисой маданияти билан боғлайди ва унинг даврий санасини мил. авв. VII–V асрлар билан белгилайди. Б.И. Вайнбергнинг ёзишича, ушбу маданиятга тегишли ягона Қуйисой 2 манзилгоҳидан қизил ангоб билан пардозланган қўлда ясалган сополлар Яз II ва архаик Деҳистон маданиятининг кулолчилик дастгоҳида ишланган сопол парчалари билан бирга учратилган. Қуйисой маданиятига тегишли Тумек-Кичижик ва Таримқоя қабристонларидан топилган кўп сонли архаик давр бронза пайконлари орасида асоси зўғатали икки парракли бронза пайконлари (мил.авв. IX–VIII аср) ҳам учратилган. Қуйисой маданияти археологик комплексида “скиф триада”сига хос (жанговар ҳарбий қуроллар, “ҳайвоний усул”да ишланган от юган-жабдуқлари, «олтин арава» ёки «олтин дарахт») предметлар учрамайди.

Б.И. Вайнберг Қуйисой маданиятининг келиб чиқишини қуйи Сирдарё сакларининг Мидияга ҳарбий юриши билан боғлайди. Унинг фикрига кўра, қуйи Сирдарё саклари Мидияга боришдан аввал Амударё ҳавзасининг Сарикамиш кўли атрофига жойлашиб, сўнг Мидияга юриш қилган. Мидия ва унинг атрофидаги ўтроқ аҳоли билан аралашиб, уларнинг иқтисодий-хўжалик юритиш анъаналари таъсирида мидияликлар билан биргаликда Амударёнинг қуйи ҳавзаларига қайтадилар ва Қуйисой маданиятининг

⁴⁸ Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии. – Ашхабад, 1983. – С. 52–57.

⁴⁹ Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования ... – С. 239–241.

асосини ташкил этадилар. Б.И. Вайнбергнинг фикрича, ана шу мидияликлар ўзларини хорасмийлар деб атаган бўлишлари мумкин⁵⁰.

Тарихчи-археологлар орасида Хоразм воҳасида Аҳамонийлар империясига қадар давлатчиликнинг пайдо бўлиши ҳақидаги С.П. Толстов назариясини асословчилар кўп. Улар Қадимги Хоразм давлатини “Катта Хоразм” давлат конфедерацияси билан аралаштириб, Хоразмда давлатчилик ўтроқ аҳоли билан кўчманчи сак-массагет қабилаларининг ҳарбий-сиёсий иттифоқи асосида ташкил топганлигини, бу иттифоқ билан қадимги форс подшоси Кир II тўқнашиб, енгилганлигини қайд қиладилар⁵¹.

С. Баратов кейинги йилларда жанубий Хоразм ёдгорликларида изланишлар олиб бориб, илк темир даври чорвадор қабилаларига тегишли Мешекли ва Уч ўчоқ қабристонларида Қуйисой маданиятининг қизил ангобли сополлар билан бирга Яз II даврининг сополлари ҳам учрашини таъкидлаб, Мешеклининг йил санасини мил. авв. VIII–VI асрлар билан белгилайди⁵². Шунингдек, хорасмийлар билан боғлиқ ёзма манбаларга мурожаат қилиб, Доро I нинг тош битикларидаги Суза саройи қурилишини эслаб: “Суза саройи қурилишида ишлатилган феруза тоши Хоразмдан келтирилган”, “демак, бизнингча бу хорасмийларнинг қуйи Амударё ҳудудларида жойлашганлиги ҳақида гувоҳлик беради” дейди. “Доро I хабарига кўра, Ахурамазда инояти билан қўлга киритилган Хоразм, Парфия, Марғиёна ва Суғдиёна каби мамлакатлар Кирдан қолган”. С.Баратов хорасмийлар подшолиги Кир II томонидан яксон қилинган, форсларнинг сиқуви остида жанубий юртларидан ажраб, Амударё ёқалаб секин-аста шимолга чекинадилар деган хулосага келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, узоқ йиллар археологик адабиётларда “Аҳамонийлар керамикаси” деб номланиб келинган цилиндроконус

⁵⁰ Вайнберг Б.И. Этногеография Турана ... – С. 152–173, 234–241.

⁵¹ Ягодин В.Н. Древнейшая государственность ...; Сагдуллаев А., Абдуллаев У. История Хорезма в свете исследований С.П. Толстова ... – С. 7.

⁵² Баратов С. Некоторые проблемы археологических исследований древних культур Хорезма // O'zbekiston tarixi. – Ташкент, 2007. – № 4. – С. 28.

шаклидаги сопол идишларнинг хронологияси Кучуктепа, Қизилтепа, Тиллатепа материаллари мисолида ўрганилган бўлиб, ҳозирги кунда бу керамика комплекси учта хронологик босқичларга бўлинади⁵³. Уларнинг илк босқичи – Кучук II (мил. авв. VIII асрнинг иккинчи ярми – VII асрнинг биринчи ярми) Бактрия ва Марғиёнада, ривожланган босқичи – Кучук III (мил. авв. VII асрнинг иккинчи ярми – VI аср) Қашқадарё ва Самарқанд Суғдида, сўнгги босқичи Кучук IV (мил. авв. VI асрнинг охири – IV аср) Бухоро Суғди ва Хоразм воҳасида кенг тарқалган.

В.Н. Ягодин Скилак берган хабар мил. авв. 519–512 йиллар оралиғига тўғри келишини инобатга олиб, хорасмийлар номини олган қабилалар мил. авв. VI аср охирида нафақат бугунги Хоразм воҳасида, балки Амударёнинг ўрта оқими бўйлаб ҳам кенг ёйилиб яшаганлар деган хулосага келади⁵⁴.

Академик А. Асқаров Хоразм давлатчилиги масаласида кўпроқ Хоразмнинг қадимги суғориш иншоотларига асосланиб юритилган С.П. Толстов ва унинг шогирдлари мулоҳазаларини Хоразм материаллари мисолида қайта таҳлил қилиб, бу фикрларда мантиқий боғланиш етишмаслигини асослайди⁵⁵ ва академик Я.Ғ. Ғуломов томонидан сўнгги Амиробод даври магистрал каналларининг пайдо бўлиши Амиробод маданияти сополларининг канал дамбаларида учраши билан асосланганлиги фактини келтириб⁵⁶, “магистрал каналларнинг қурилиши Амиробод маданияти давридан кейин, архаик ва антик даврида юз берганлигини асослаб беради⁵⁷. Шунингдек, А. Асқаровнинг қатор мақолаларида С.П. Толстовнинг қадимги Хоразм, умуман Ўрта Осиёда қулдорлик тузими бўлганлиги, Амударё қуйи ҳавзаларида Хоразм этногеографик топонимининг пайдо бўлиши, “Арьянам Вайжо”ни локализациялаш, Канғ давлатининг ўрни

⁵³ Асқаров А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа ... – С. 18; Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Ташкент, 2000. – С. 88–95, 101–106;

⁵⁴ Ягодин В.Н. Древнейшая государственность и проблема «Большого Хорезма» (1 цикл) // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2007. – № 1. – С. 76.

⁵⁵ Асқаров А. Новые подходы ... – С. 11–13.

⁵⁶ Гулямов Я.Г. История орошения ... – С. 67.

⁵⁷ Асқаров А. Новые подходы ... – С. 14.

каби масалалардаги фикрлари қўшимча илмий далилларга мухтож эканлиги кўрсатиб ўтилди⁵⁸.

Хоразмда дастлабки давлат бирлашмасининг ташкил топган вақти юзасидан ҳам олимлар томонидан турлича фикрлар ўртага ташланган. Хоразмнинг бронза даври археологияси мутахассиси М.А. Итина бунинг мил. авв. VI аср бошлари билан, О.А. Вишневская ва Ю.А. Рапопортлар эса мил. авв. VII–VI асрлар чегараси билан белгилайдилар⁵⁹.

Аҳамонийларга қадар Хоразмда сунъий суғориш тизимларининг қўлами масаласига тўхталганда шуни таъкидлаш жоизки, ушбу муаммо юзасидан жуда катта илмий изланишлар олиб борган Б.В. Андрианов Хоразмда архаик даврга оид каналларнинг барпо этилишини мил.авв. VII–V-асрлар билан саналаштиради⁶⁰. Бунинг устига ушбу даврга оид илк давлатчилик тарихи масаласи бунёд этилган сунъий суғориш каналларининг аҳамонийлар даври ёки ундан олдинги даврларга оид эканлигини ойдинлаштиришни талаб этади.

Ёзма манбалар ва археологик маълумотларда ҳам мил. авв. VIII–VII асрларда жанубий Оролбўйи минтақасида шаҳарлар ёки шаҳар ҳаёти мавжуд бўлганлиги хусусида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Хоразм моддий маданияти ва бинокорлигида янги ўзгаришлар ва олдинги даврларда номаълум бўлган маданий анъаналар мил. авв. VI–V асрлар билан боғлиқ. Айнан шу даврда Хоразмда тўғри тўртбурчак хом ғишт ва пахсадан қурилган уй-жойлар (Дингилжа) ва маҳобатли қурилишлар (Кўзалиқир, Қалъалиқир 1, Хазорасп) ҳамда хунармандчилик ишлаб чиқариши марказлари (Хумбузтепа) пайдо бўлади. Хоразм сопол идишлари Ўрта Осиёнинг жанубий минтақалари (Суғд, Бактрия, Марғиёна)даги сингари шаклга киради.

⁵⁸ Асқаров А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар ... – Б. 76–84; Ўша муаллиф. Новые подходы ... – С. 11–21.

⁵⁹ Вишневская Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма ... – С. 30.

⁶⁰ Андрианов Б.В. Древние оросительные системы ... – С. 115–116.

Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар ва археология фани қўлга киритган янги маълумотлар “Катта Хоразм” каби мураккаб тузилмалардан воз кечиш кераклигини кун тартибига қўймоқда⁶¹. Чунки, бу фараз хорасмийлар азалдан қуйи Амударё ҳавзасида яшаб келишган деган нуқтаи-назарларнинг ҳосиласидир.

Тарихий воқеликни тиклашда бир томонлама ёндашув асосий мақсаддан узоқлашишга олиб келиши мумкин. Фикримизча, қадимги Хоразм давлатчилигининг пайдо бўлиши масаласида ҳам шундай бир ёқламаликка йўл қўйилган. Чунки, “Катта Хоразм” гипотезаси Хоразмда археологик изланишлар бошланмасидан олдин пайдо бўлган эди. Сўнгги йиллардаги археология фани қўлга киритган маълумотлар эса бу ғояни тобора тасдиқламай қўймоқда. Чунки минтақавий хусусиятлардан келиб чиқиб қадимги Бақтрия, Суғд, жанубий Туркменистон, шимолий-шарқий Эрон ва шимолий Афғонистон ҳудудларида ўзига хос моддий маданият, шаҳарсозлик маданияти ва давлатчилик таркиб топган. “Катта Хоразм” гипотезасини эса XX асрнинг биринчи ярмида фанга олиб кирилган соф тарихий эмас, балки тахминий фаразларга асосланган илмий муаммо деб ҳисоблаш мумкин.

Аҳамонийлар даврида Хоразм. Аксарият тарихчи-олимлар Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик воҳалари ва Хоразм мил. авв. 545–539 йиллар оралиғида Эрон Аҳамонийлари томонидан бўйсундирилган деган хулосага келганлар⁶².

Кир II нинг мил. авв. 545 йилдан Ўрта Осиёда бошлаган истилочилик юришларини тадқиқотчилар уч босқичга бўладилар. Биринчи босқичда у Парфия ва каспийбўйи саклари устига, иккинчи босқичда Бақтрия ва

⁶¹ Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма ... – С. 29.

⁶¹ Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. – М.: Наука, 1980. – С. 184; Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы ... – С. 28; Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд: Фан, 1993. – С. 143.

⁶² Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. – М.: Наука, 1980. – С. 184; Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы ... – С. 28; Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд: Фан, 1993. – С. 143.

Аморгия саклари устига, учинчи босқичда Оролбўйи саклари (массагетлар) устига юриш қилади⁶³.

Кир II нинг Бактрия, Парфия, Марғиёнага қилган юришлари бу ҳудудларнинг бўйсундирилиши билан тугаган бўлса, мил. авв. 530 йилда Оролбўйи кўчманчи қабилалари сак-массагетлар устига қилган юриши унинг учун муваффақиятсиз якунланган.

Кир II нинг массагетларга (“подшо Аморг сакларига”, яъни сакаравакларга, Ктесийнинг ривоятига кўра дербикларга) қарши юриши хоразм-эрон муносабатларига бевосита даҳлдордир. С.П. Толстовнинг фикрича ҳарбий юриш ташкил этиш заруратининг ўзиёқ бу қабилалар Кирга бўйсунмаганлигини ва қисман унга душман бўлганлигини кўрсатади. Кир ҳозирги Хоразм ҳудудларига қадар кириб бормай, афтидан, унинг юришлари анча жанубий ҳудудлар орқали амалга оширилган⁶⁴.

Оролбўйи саклари мил. авв. 518 йилда Доро I (522–486) томонидан истило қилинган⁶⁵. Доро I нинг Кирмоншоҳ шаҳри яқинидаги Беҳистун қоясига ёздирган зафарномасида тобе этилган 23 мамлакат ва халқлар орасида Хоразм ҳам қайд этилади. Нақши Рустам ёзувларида Доро I га хирож тўловчи шарқий вилоятлар орасида Хоразм ҳам санаб ўтилади. Суза шаҳридаги сарой қурилишида Хоразмдан феруза тоши (тўқ кўк ёқут) келтирилганлиги қайд қилинган. Шунингдек, Персепол шаҳрида Доро I ва Ксеркс саройига олиб борувчи тош пилапоя деворларига Эрон ахамонийларига тобе мамлакатлардан хирож олиб келган вакилларнинг бўртма расмларининг 8-қаторида суғдиёналиклар, 11-қаторида сака тиграхаудалар, 13-қаторида парфияликлар, 15-қаторида бактрияликлар, 17-қаторида эса хоразмликлар акс эттирилган бўлиб, хоразмликлар қўлларида

⁶³ Аскаров А. Ўзбек халқининг этногенези ... – Б. 132–134.

⁶⁴ Толстов С.П. По следам ... – С. 105.

⁶⁵ Аскаров А. Ўзбек халқининг этногенези ... – Б. 132–134.

дудам ҳанжар, жанговар ҳарбий болта, билагузук тутиб, от етаклаб келаётган холда тасвирланган⁶⁶.

Эрон-Хоразм муносабатларига икки хил қараш мавжуд. Айрим олимлар Хоразм Эрон шоҳининг олий ҳокимиятини ва хирож тўлаш шартини ихтиёрий тан олган деб ҳисоблашса⁶⁷, бошқа олимлар саклар ва хоразмийлар тобе эмас, балки иттифоқчи ҳисобланганлар⁶⁸ дейишади. Бироқ шуниси аниқки, Хоразм бир мунча вақт суғд, арияликлар, парфияликлар билан биргаликда аҳамонийларнинг 16-сатраплигини ташкил этган⁶⁹.

Ксеркс (мил. авв. 486–465 й.) даврида Хоразм амалда Аҳамонийлар давлатининг таркибида бўлганлиги шубҳасиз. Чунки, Хоразм ва хоразмликлар билан боғлиқ маълумотлар мил.авв. V асрга оид ёзма манбаларда олдинги даврларга нисбатан кўпроқ учратилади. Жумладан, хоразмийлар Ксеркснинг Юнонистонга қилган юришларида қатнашганлар. Бунда улар Фарнакнинг ўғли Артабаз қўмондонлиги остида, фақат парфияликлар билан бир бирикмада юриш қилганлар⁷⁰.

Аҳамонийларнинг Олд Осиё ва Шимолий Африкадаги мулкларида хоразмлик ҳарбий бошлиқлар ва амалдорлар хизмат қила бошлаганлар. Хоразмлик Артаикт Дарданелл бўғозининг Европа қирғоғидаги Сеста шаҳрига ҳоким қилиб тайинланган. Хоразмлик Даргомон Элифантина (юқори Миср)даги асосан яҳудий кўнгилларидан иборат гарнизонда аскар бўлиб хизмат қилган⁷¹.

Марказий Осиё ва жумладан Хоразмнинг Аҳамонийлар давлатига бўйсундирилиши бир томондан эркинлик ва мустақилликнинг йўқолишига олиб келган бўлсада, иккинчи томондан босқинчилик урушларига чек қўйиб, минтақада сиёсий барқарорликни таъминлади. Ягона пул тизими, давлат

⁶⁶ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ... – Б. 132–134; Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Б. 31–32.

⁶⁷ Толстов С.П. По следам ... – С. 105–107.

⁶⁸ Гафуров Б.Г. Таджики (Древнейшая, древняя и средневековая история). – М.: Наука, 1972. Т. 1. – С. 229.

⁶⁹ Ставиский Б.Я. Средняя Азия и ахеменидский Иран // История Иранского государства и культуры. – М.: Наука, 1971. – С. 157.

⁷⁰ История Узбекистана в источниках ... – С. 60

⁷¹ Толстов С.П. Древний Хорезм ... – С. 17.

идора ишларининг яхши йўлга қўйилиши ҳудуднинг қўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни яхшилади⁷². Хоразмда шу даврда Аҳамонийлар маъмуриятининг ишончли кишилари учун қурилган катта ва маҳобатли қалъа-қўрғонлар пайдо бўлди, ирригация хўжалиги ривожланди. Жойларда ўнлаб шаҳар типдаги манзилгоҳлар (Хазорасп, Хива, Бозорқалъа, Катта Ойбуйирқалъа, Девкескан) пайдо бўлди. Қурилиш ва меъморчиликда янги услуб ва анъаналар вужудга келди.

Хоразмни босиб олган Аҳамонийлар бу минтақага тайинланган ўз ноиби учун Қалъалиқир 1 да катта сарой қурилишини бошлаганлар. С.П. Толстовнинг фикрича, Хоразм ўз мустақиллигини тиклаши натижасида Аҳамонийлар ноиби учун бошланган қурилиш ишлари битмай қолиб кетган⁷³. Айнан шу даврдан мустақил Хоразм давлатининг кўп асрлик тарихи бошланади.

2.2. “Хоразм” этнонимининг Амударё қуйи ҳавзасида пайдо бўлиши ва унинг тарихий илдизлари.

“Хоразм” этногеографик номи ёзма манбаларда илк бор Авестода тилга олинади (Меҳр Яштнинг X)⁷⁴. Хоразм номи қайд қилинган иккинчи ёзма ёдгорлик бу Доро I нинг Беҳистун қоясига ёздирган зафарномасидир. Унда Доро I томонидан тобе этилган 23 мамлакат орасида Хоразм ҳам тилга олинади⁷⁵.

⁷² Дандамаев М.А. Ахеменидское государство и его значение в истории древнего Востока / История Иранского государства и культуры. – М., 1971. – С. 94–102.

⁷³ Толстов С.П. Работы ХАЭЭ АН СССР в 1949–1953 гг. ... – С. 167; Ўша муаллиф. Основные этапы ... – С. 58.

⁷⁴ История Узбекистана в источниках ... – С. 28–29.

⁷⁵ История Узбекистана в источниках ... – С. 33–34.

Милетлик Гекатейнинг (мил. авв. VI а.) Хоразм ҳақидаги маълумоти антик давр ёзма ёдгорликлари ичида энг қадимгиси ҳисобланади. Гекатейдан анча кейин яшаб ўтган Афиней (мил. II–III а.) қуйидаги сатрларни келтиради: “Милетлик Гекатей Осиёни тасвирлаб шундай ёзади: “ ... парфларнинг шарқида текисликлар ва тоғларни ишғол қилган хорасмийлар яшайди. У тоғларда ёввойи дарахтлар, тол, юлғун, тиканли кинара ўсади”. ... “уларнинг шаҳри Хорасмия”⁷⁶.

Кариялик Скилак Доро I нинг топшириғи билан мил. авв. 519-512 йилларда Эроннинг жанубий соҳиллари бўйлаб Ҳинд дарёсида саёҳат қилган ва бу ҳақда шоҳга ҳисобот ёзган. Скилакнинг “Саёҳатнома”си Геродот давридаёқ йўқолиб бўлган ва Геродот бу асар билан Гекатей орқали танишган. Қадимги юнон муаллифлари Геродот, Страбон, Эратосфен, Эфор ва бошқалар Хоразм ҳақида ёзар эканлар уларнинг бари Гекатейга суянганлар.

Книдлик Ктесий (мил.авв. V–IV а.) Оссурия подшоси Нин томонидан бўйсундирилган халқлар қаторида хоразмликларни ҳам қайд қилади. Византиялик тарихчи Стефан ҳам тобе этилган гирканлар, дрангианлар, дербиклар, карманийлар, борканлар (париканлар) ва парфияликлар қаторида хоразмликларнинг бирмунча бузиб талқин этилган номини келтириб ўтади⁷⁷.

Қуйи Амударё ҳавзасида таркиб топган Калтаминор, Тозабөгёб, Сувёрган ва Амиробод маданиятини яратган қабилалар юртида “Хоразм” этногеографик номининг пайдо бўлиши ва ушбу сўзнинг этимологияси кўпдан бери тадқиқотчиларнинг диққатини тортди келади. Бу сўз манбаларда, жумладан: Бобилча – Humariza, эламча – Marazmish, қадимги форсчада – Uvarazmish ((H)uwarazmish), “Авесто”да – Hvarizam, юнон манбаларида – Xorazmiya (Chorasmie), милодий VII – асрдан бошлаб Хоразм тангаларида – Xwǝrzm, VII – асрга оид араб манбаларида – Xwarizm

⁷⁶ Пьянков И.В. Хорасмий Гекатея Милетского ... – С. 6.

⁷⁷ Сағдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон ... – Б. 34.

(Khwarazm)⁷⁸ шаклида учратилади. X асрга келганда ушбу сўзнинг маъносини хоразмликларнинг ўзлари ҳам унутиб юборишган. Чунки Хоразм сўзининг келиб чиқиши ҳақида Беруний ҳам ҳеч нарса ёзиб қолдирмаган.

X асрда яшаб ўтган араб географи ал-Мақдисий “хоразм” сўзи ва хоразмликларнинг келиб чиқиши тўғрисида қуйидаги ривоятни келтиради: “Қадим замонда Шарқнинг подшоси яқин хизматчиларидан 400 кишига жаҳл қилади ва уларни одамлар яшайдиган жойдан 100 фарсах (600 км) кимсасиз ерга бадарға қилишни буюради. Бу ерлар ҳозирда Кас деб юритилади. Орадан узоқ йиллар ўтгач подшо сургундагиларнинг ҳолидан хабар олиб келиш учун ўз одамларини юборади. Подшо одамлари қувғиндагилар яшайдиган жойга келиб уларнинг тирик эканлиги, ўзларига чодирлар қуриб, балиқ овлаб кун кечираётганлигини кўришибди. Одамлар юртларига қайтгач кўрганларини подшога етказишибди. Подшо улардан сўрабди: “Улар гўштни нима деб аташади?” одамлари “хор” (ёки “хавар”) деб жавоб беришибди. “Ўтинни-чи?” деб сўраса, “разм” деб жавоб беришибди. Шунда подшо аёнларига қараб, уларнинг юртини ўзларига қолдириб уни Хоразм (Хваразм) деб аташни буюрибди. Подшо уларга 400 нафар турк қизини олиб бориб беришни буюрибди; то ҳозирга қадар улар туркларга ўхшайди”⁷⁹.

Фанда “Хоразм” макротопонимининг семантикаси ҳақида тадқиқотчилар томонидан бир қанча фикрлар билдирилган. Тилшунос олим М.Н.Боголюбов ушбу атаманинг этимологияси билан шуғулланган олимларнинг ишларини ўрганиб, уларни қиёслайди⁸⁰. Унинг фикрича, тадқиқотчиларнинг барчаси Бюрнуфдан бошлаб (1873) “Хоразм” сўзидаги –zmi, -zam компоненти ҳинд-европа тилларига мансуб -zem – ер, ўлка, мамлакат маъносини бериши хусусидаги яқдил фикр билдирганлар. Атаманинг биринчи қисми (–Xvari, –Hwari)га келганда эса улар фикридаги яқдиллик йўқолади. Жумладан, П.С.Савельев мазкур сўзни “Қуёшли ёки Шарқий ўлка” (Авесто тилида -xvar,

⁷⁸ Приаралье в древности и средневековье. – М.: Изд-во вост. лит., 1998. – С. 28.

⁷⁹ Толстова Л.С. Исторические предания Южного Приаралья: К истории ранних этнокультурных связей народов Арало-Каспийского региона. – М.: Наука, 1984. – С. 170.

⁸⁰ Боголюбов М.И. Древнеперсидские этимологии / Древний мир. – М., 1962. – С. 368–370.

форсчада хург, xorshed – қуёш) деб изоҳлайди. Кўпчилик шарқшунос олимлар ҳам бу талқинни ҳақиқатга яқинроқ деб ҳисоблаганлар. Академик И.Мўминов таҳрири остида нашр этилган Хоразм тарихида бу сўз “Шарқий замин” ёки “Кун чиқар мамлакат” (“Ховар” – шарқ, “зим” – замин, ер) деб таржима қилинади⁸¹.

Бюрнуф ва ундан кейин Э. Захау, В. Гейгер, В. Томашеклар сўзнинг биринчи қисмидаги қадимги форсча –Хвар (“ёмоқ”) феълидан келиб чиқиб “Озуқага бой мамлакат”, “Унумдор ер” тарзида таржима қилганлар. Ф.Юсти Хоразмни “Гўзал мамлакат” (“Shoen-land”), Шпигель форсча –Хвар (“ёмон”) сўзидан келиб чиққан ҳолда “Ёмон, унумсиз ер” изоҳини таклиф этади. П.И.Лерхнинг “Пастлик ер” фикрини Н.И.Веселовский ва Х.Клипертлар ҳам қўллаб-қувватлашган.

С.П. Толстов А.Бартоломенинг Хоразм топоними халқ номидан келиб чиққан деган фикрини ривожлантириб, кўпчилик қадимги мамлакатларнинг номлари этник номлар билан боғлиқ эканлигини тўғри таъкидлагани ҳолда Хоразм атамасининг этимологиясини қадимги Митанни давлати аҳолиси номи Хурритлар билан боғлиқ бўлиши мумкин деган фаразни илгари суради. Олим ўз фикрини Митанни подшоси Шаушшатар (I ва II) исми билан Хоразмдаги Африғийлар сулоласининг Абу Райхон Беруний келтирган ва Хоразм нумизматик материалларида ҳам қайд қилинган подшо Шаушафар номлари ўртасидаги ўхшашлик билан изоҳлайди⁸². Фикримизча бундай изоҳ ишончли эмас. Акс ҳолда қуйи Амударё ҳавзалари Хоразм эмас “Хурритистон” ёки “Хуррития” тарзида номланиши керак эди.

Умуман, Хоразм этнотопоними юзасидан тилшунослар билдирилган фикрларни иккита асосий вариантга ажратишимиз мумкин: “Озуқага бой (унумдор) мамлакат” (Е.Бюрнуф, Э.Захау, У.Гейгер, У.Томашек) ва “Пастлик ер” (П.И.Лерх, Х.Клиперт, Н.И.Веселовский, Мак Кензи).

⁸¹ История Хорезма / Под ред. И.М. Муминова. – Ташкент: Фан, 1976. – С. 28.

⁸² Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб ... – Б. 88–89.

Р. Кент Хоразм сўзини учта қисмга бўлиб таржима қилишни таклиф қилган эди (Uvarazmi - ... u- “good” (яхши) + vara- “?” + zmi- “land” (ер). Ушбу сўздаги таржимаси аниқланмаган иккинчи бўғин мазмунини М.Н Боголюбов топади. Олим ушбу лексема (–Vara)ни Авестодаги феъл ўзаги – var, ҳамда қадимги ҳинд-европа тилларидаги –Var сўзларидан келиб чиқиб “девор”, “марза”, “қўрғон”, “қалъа” шаклида таржима қилади. Агарда “Хоразм” номи юқорида қайд қилинган уч лексема асосида юзага келган деб изоҳланса, мазкур тарихий атаманинг маъноси “Яхши қўрали ер”, “Ажойиб қалъали ўлка” ёки “Мустаҳкам қўрғонли диёр” каби маънолар англашилади⁸³. Ушбу сўз (–Var) ўрта аср Хоразм шаҳарлари номида ҳам кўплаб учратилади (Садвар, Нузвар, Нухвар ва б.).

Сўнгги тадқиқотларда “Хоразм” сўзининг ўзаги қадимги туркий асосларга эга бўлиши мумкин деган фикрлар илгари сурилмоқда (“хуар” (суар): “су” (“ху”) – сув, “ар” – эр, одам, “м” – биринчи шахс қўшимчаси) ва у “Сув (дарё) одамлари” ёки “Сув эгалари” тарзида таржима қилиняпти⁸⁴. Лекин мазкур фикр тилшунос олимлар томонидан яқдил қабул қилинмаган.

Академик А. Асқаров ҳам юқоридаги тарихчилар билдирган фикрларни ривожлантириб, қадимги хоразмликларнинг келиб чиқиш ва ёйилишига оид ўз илмий хулосаларини баён этади. Олимнинг фикрига кўра: “Мил. авв. VI асрда қадимги Хоразм тарихида туб маънодаги тарихий воқеа юз беради. Эрон аҳамонийлари империясининг подшоси Доро I нинг солиқ сиёсати туфайли, Хильменд водийсининг Авесто хорасмийлари ўз ватанларини ташлаб, Амударё қуйи оқими томон кўчишга мажбур бўладилар. Кема ва солларда массагетлар юртига биринчи бор кириб келган хорасмийлар, бўлғуси Хоразм воҳасининг ғарби ва жанубида Хумбузтепа, Хазорасп ва Кўзалиқирда биринчи бор макон топган бўлсалар ажаб эмас. Унгача, хорасмийлар Хильменд водийсида (Хирот воҳаси) яшаб, ўтроқ ҳаёт кечирган,

⁸³ Боголюбов М.И. Древнеперсидские этимологии ... – С. 368–370.

⁸⁴ Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – Ташкент: Шарк, 2006. – С. 88; Ўша муаллиф. Народные предания о происхождении хорезмийцев и историческая действительность // O'zbekiston tarixi. – Ташкент, 2004. – № 4. – С. 48; Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси. – Тошкент: Extremum Press, 2011. – Б. 121.

суғорма деҳқончилик маданиятини ривожлантиришда бой тажрибага эга бўлганлар. Хорасмийларнинг Амударёнинг қуйи ҳавзаларига кириб келиши билан массагетлар ватанида янги этноним – “Хоразм” атамаси пайдо бўлади”⁸⁵.

Дарҳақиқат, ал-Мақдисийнинг юқорида келтирилган ривояти билан мазкур илмий талқин ўртасида қандайдир тарихий яқинлик кузатилади.

Шу ўринда хоразмлик қомусий олим Абу Райхон Берунийнинг “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида келтирилган маълумотлар ҳам диққатга сазовор. Хоразмликлар, деб ҳикоя қилади Беруний, йил ҳисобини ўз мамлакатларида аҳоли жойлашган вақтдан, “Искандардан аввалги 980 йилдан” – янги эрадан аввалги 1292 йилдан бошлайдилар. Шундан кейин улар мил. авв. 1200 йилдан – афсонавий қаҳрамон Сиёвуш ибн Кайковус уларнинг мамлакатига келган ҳамда унинг ўғли Кайхусрав хоразмшоҳлар сулоласига асос солган вақтдан бошланадиган янги эрани қабул қилдилар. Бу воқеа Хоразмликларнинг мазкур юртга кўчиб келишларидан 92 йил кейин содир бўлган эди⁸⁶.

Беруний томонидан келтирилган ушбу маълумот хронологик жиҳатдан Хоразмнинг қадимги тарихига айнан мос келмасада, лекин унда ҳам маълум бир халқ, этник жамоанинг кўчиб келиши хусусидаги маълумотлар сақланган.

“Хоразм” сўзининг келиб чиқиши ва қадимги Хоразм подшолари сулоласи (сиёвушийлар) ҳақида ўрта аср ёзма манбаларида ҳам (Беруний, Мақдисий) қуйи Амударёга жанубдан қувғин қилинган халқ ва улар томонидан асос солинган давлат ҳақида маълумотлар берилади. Бугунги Хоразмда шу мазмунда кўплаб афсона ва ривоятлар юради. Уларни илмий жиҳатдан тадқиқ этган Г.П. Снесарев ва Л.С. Толстова бу ривоятларда

⁸⁵ Аскарлов А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар ... – Б. 76–84.

⁸⁶ Аль-Бируни абу-Рейхан-Мухаммед ибн Ахмед. Памятники минувших поколений / Перевод с арабского и примечания М.А. Салье / Избранные произведения. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1957. Т. 1.– С. 47.

маълум даражада реал тарихий маълумотлар сақланганлигини эътироф этадилар⁸⁷. Ю.А.Рапопорт ҳам Хоразмда кулолчилик чархининг пайдо бўлиши, пахса ва лойдан уй жойлар қуриш анъанаси ҳамда катта ҳажмдаги хом ғиштдан фойдаланила бошланиши ҳудудга ўзга юрт аҳолисининг кириб келиши билан боғлиқ деб ҳисоблайди⁸⁸.

Хулоса қилиб айтганда, қуйи Амударё ҳавзасининг ибтидоий даврдан то мил. авв. VI асргача бўлган даврларини Хорасмийларгача бўлган давр деб аташ мумкин. Мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи чорагига келиб чап соҳил Сариқамишбўйи ҳавзасининг сув билан таъминланиши қайтадан жонлана бошлайди. Бу эса ўз навбатида чорва боқиш ва айниқса суғорма деҳқончилиқни ривожлантириш учун қулай шароит вужудга келган мазкур ҳудудга шимолдан чорвадор қабилалар ва жанубдан зироаткор этник гуруҳларнинг кириб келишига сабаб бўлади. Хоразм “цилиндирсимон” сопол идишлари ўзига хос услубга эга эканлигига қарамасдан уларнинг жанубий Туркменистон ва қадимги Бактрия топилмалари билан алоқадорлиги шубҳасиз. Шунинг учун ҳам Хоразмга қандайдир ҳунармандлар гуруҳи ва зироатчи деҳқонлар жамоасининг кўчиб келишлари тарихий ҳақиқатдир.

Қадимги юнон манбалари хорасмийлар Парфиядан шарқда, Марғиёнадан жанубда, Тажан (Герируд) ва Хильменд дарёлари ҳавзаларида яшаганликлари ҳақида маълумот беради. Мил. авв. III–I минг йилликлардан бошлаб мазкур ҳудудлардан Бактрияни Месопотамия ва Олд Осиё мамлакатлари билан боғловчи халқаро савдо йўллари ўтган бўлиб, бу ерлар сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданияти ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариш тараққий топган марказлардан бири эди. Подшо Киаксар даврида (мил. авв. 625–585 й.й.) Парфия, Ария, Дрангиана, Арахосия,

⁸⁷ Толстова Л.С. Исторические предания Южного Приаралья: К истории ранних этнокультурных связей народов Арало-Каспийского региона. – М.: Наука, 1984.

⁸⁸ Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма ... – С. 30.

Саттагидия ҳудудлари Мидия давлатига тобе этилади⁸⁹. Демак, Мидия давлатининг шарқий Эрон ҳудудларига қилган юришлари туфайли юзага келган ҳарбий-сиёсий вазият хорасмийларнинг шимолга қуйи Амударё хавзаларига кўчишига сабаб бўлган. Мазкур жараён мил. авв. VI асрда рўй берган, деб ҳисоблаш мумкин.

“Хоразм” атамаси тарихий манбаларда эслатиладиган халқ номи бўлиб, бу этник атама мил. авв. VI асрда Амударёнинг қуйи ҳавзасида яшовчи ўтрок аҳолининг умумэтногеографик номига айланади.

2.3. АМУДАРЁ – ДИНИЙ ҚАРАШЛАРНИ БОҒЛОВЧИ СУВ ЙЎЛИ

Қадимги даврда фаолият кўрсатган алоқа-савдо йўллари тизимида Ўрта Осиёдаги йирик дарёлар, хусусан, Амударё сув йўли катта аҳамиятга эга. Минтақанинг ички ва ташқи алоқаларида муҳим ўрин тутган ушбу сув йўли, авваламбор, унинг ўзанлар бўйлаб ҳаракатланишига боғлиқ кечган. Буни бир қанча тарихий даврларда Амударё ўз йўналишини бир неча бор ўзгартириб, гоҳ Орол, гоҳ Каспий денгизига қуйилиб турганидан аниқлаш мумкин. Хусусан, қуйи ва ўрта голоцендан то мил.ав. II минг йилликкача Амударё ғарбга, Сарикамиш чуқурлигини тўлдириб, Ўзбой ўзани орқали Каспий денгизига қуйилган бўлса, мил. авв. II-I минг йилликлар бошларида Орол денгизига, мил. авв. I минг йилликдан то милодий I минг йиллик ўрталаригача яна Каспий денгизига қараб оққан, Турк хоқонлиги давридан бошлаб Оролга ва XIII-XVI асрларда Каспий денгизига қуйилганлиги тадқиқотлар натижасида исботланган (Кесь, 1979, с.20).

⁸⁹ Дьяконов И.М. История Мидии от древнейших времен до конца IV в. до н.э. – М. – Л., 1956. – С. 357.

Амударё йўналишининг бундай ўзгариб туришини минтақа рельефидаги ўзгаришлар ва қисман антропоген таъсирлар билан изоҳлаш мумкин. Турли тарихий даврларда Амударё оқими йўналишларига мавжуд ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга боғлиқ ҳолда тўғонлар ва дамбалар барпо этиш орқали ҳам таъсир кўрсатилганлиги маълум. С.П. Толстов фикрига кўра, Амударё Туябўғиз тепалигига урилиб, икки ўзанга ажралган ва ўнг оқими Оқчадарё ўзани орқали Орол денгизига, чап ўзани эса Ўзбой орқали Сарикамиш чуқурлигини тўлдириб Каспийга қараб оққан (Толстов, 1964, 314-336-бетлар).

Амударё сув йўли ҳақидаги ёзма маълумотлар, асосан, антик даврдан бошлаб учрайди. Лекин бу маълумотлар Амударё сув йўлидан фойдаланишнинг бошланиши анча олдинги даврларда шаклланишини рад этмайди.

В.В. Бартольд ўтган асрнинг бошларида Амударёнинг Ўзбой ўзани орқали Каспий денгизига қўйилиш муаммосини ўрганиб, Страбоннинг қўйидаги маълумотларига эътибор беради: “Аристобул Оксни Осиёда кўрган Ҳинд дарёларидан кейинги энг йирик дарё ҳисоблаб, унинг фикрича Окс кема қатновига қулай ва кўпгина ҳинд товарлари қуйи оқим бўйлаб Гиркан денгизига, у ердан уларни Албанияга ва Кура дарёси орқали ҳамда маҳаллий дарёлар билан Понт Эвксин (Қора денгиз) гача етказиб берилган” (Лунин, 1984, с.172). Албатта, Страбон ҳам, Эратосфен ҳам бу маълумотларни Патроклдан олган.

Рим тарихчиси Плиний Помпейнинг замондоши Варрон маълумотлари асосида ўз китобида Ҳиндистон товарлари 7 кунда Бақтрияга, айнан Икарнинг Оксга қуйилиши жойига, ундан Окс бўйлаб Каспийга, денгиз орқали Курага, Курадан 5 кун қуруқлик йўли орқали Фасис ва кейин Қора денгизга келганини таъкидлаган (Бартольд, 1965, с.31). Шунингдек, бошқа рим тарихчиси Аммиан Марцеллин асарида ҳам Амударё бўйлаб сув йўли ҳақида маълумот берилган (Лунин, 1984, с.204).

Н.Я. Бичурин Сима Цяннинг “Тарихий йилномалар” ва Бан Гунинг “Цян Хань Шу” асарларидаги Гуйшуй (Амударё) дарёси бўйида савдогарлар яшайди, улар қуруқлик ва сув йўллари бўйлаб ўз маҳсулотларини қўшни ва узоқ ўлкаларга етказиб бериши ҳақидаги маълумотларни алоҳида таъкидлайди (Бичурин, 1950, с.183).

Замонавий тадқиқотлар ҳам Амударёнинг Каспий денгизи билан боғловчи сув йўли Ўзбой ўзани орқали амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотларни тасдиқламоқда. Б.И. Вайнберг маълумотларига кўра, мил. ав. V - IV асрлардан Ўзбой ўзанининг иккала қирғоқларида яшовчи халқлар пайдо бўлган ва бу кўчманчи ҳамда ярим кўчманчи чорвадор қабилалар қолдирган кўплаб қароргоҳ, мазорлар топилган (Вайнберг, 1999, с.20, 137-150).

Сўнгги аҳамонийлар даврида Арманистон ва Хоразмда тугалланмай қолган сатраплик қароргоҳларида Аҳурамазда, Митра, Анахита каби илоҳлар билан боғлиқ диний қарашлар кенг тарқалган. Буни дафн маросимларидаги ўзгаришлардан кузатиш мумкин (суякларни сопол идишларда ёки махсус сопол оссуарийларда сақлаш). Эҳтимол, бу сўнгги аҳамоний сатрапликларда давлат раҳбарлари ўз сиёсатини диний миссионерлик фаолияти билан бирга олиб боргандир (Вайнберг, 2005, с.14-15).

Тахти–Сангиндаги Окс-Вахш ибодатхонаси ва Елҳарас ибодатхонаси мажмуалари маҳаллий аҳоли томонидан сув тошқинларидан сақланиш ва Амударё илоҳини муқаддаслаштириш натижасида пайдо бўлган. Шуниси эътиборлики, Б.А. Литвинский Тахти–Сангин ибодатхонасидаги иккита алтар, ҳайкаллар учун иккита тагкурси, кириш йўлидаги иккита алтарни ўрганиб, у ерда икки худолик илоҳийлашганини, лекин уларнинг қайсилари қандай худолар эканлигини ҳеч бир олим аниқ айта олмаганлигини таъкидлайди (Литвинский, Пичикян, 2000, с.362). Кўпчилик олимлар буларни зардуштийлардаги муқаддас унсурлар – олов ва сув культлари билан боғлайди.

Тахти–Сангиндан топилган Аполлон ҳайкалчаси, пластинадаги Гелиос ва маросим қиличлари дастасидаги Ахелой – Геракл кураши тасвирлари алоҳида аҳамиятга эгадир (Сердитых, 1986, с.280-281). Маълумки, Бактрияда эллинизм туфайли маҳаллий худо-маъбудлар билан юнон худо-маъбудлари бир-бирига қиёсланиб, ёнма-ён ёки алмаштирилиб қўлланган (Сулаймонова, 1997, 165-176-бетлар). Шу туфайли, Аполлон – Гелиос ва Гераклни Митра деб қабул қилиш мумкин.

Тахти–Сангиндан Амударё оқими бўйлаб 150 км. ғарбдаги Қорақамардан асир олинган Аполланарий легионининг иккита митреуми топилган. Бу митреумларда Митра ва Вахш номлари битилган ёзувлар ҳам аниқланган (Ртвеладзе, 1990, с.140-145). Бундан кўринадики, Қорақамарда Митра ва Амударё илоҳи Вахш муқаддаслаштирилган. Митранинг яна бир вазифаларидан бири – сув ва дарё ҳомийси ҳам бўлган (Исҳоқов, 2001, 56-бет).

Юнон афсоналаридаги Ахелой образи ҳўкиз тасвири билан яқин боғланган. Ахелой образини Тахти–Сангиндаги Вахш деб тушуниш мумкин (Пичикян, 1991, с.177). К.В.Тревернинг “Гопатшоҳ” мақоласида Амударё хазинасидаги 105-узукка ишланган одам бошли, қанотли ҳўкиз тасвирини (Тревер, 1940, с.76) Е.Е.Кузьмина қадимги эронийлардаги сув илоҳи билан боғлайди. Бунини узукдаги тасвир устига оромий хатида ёзилган “Охшо” сўзи билан изоҳлайди (Кузьмина, 1977, с.74-77). Ўрта Осиёда шунга ўхшаш топилма Хоразмдаги Қалъалиқир-2 даги рельеф сюжетида ҳам учрайди. Бу ерда ҳўкиз ўрнига кийик тасвирланган (Вайнберг, 2004, с.220-223).

Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида Вахш илоҳи шарафига Вахш-Ангом байрами 10-аспандармазда (27-май) ўтказилганлиги ва бу маросим суғориш иншоотларини тозалаш-таъмирлаш вақтига тўғри келишини ёзиб қолдирган (Бируни, 1957, с.258).

Вахш, нафақат, Амударёнинг юқори оқидамида, балки ўрта ва қуйи оқимларида ҳам илоҳийлаштирилган. Бу фикрларни қуйидаги ёзма маълумотлар тасдиқлайди. Амударёнинг юқори оқидамидаги Ойхонум (Кўкча дарёсининг Панж дарёсига қуйилиш жойи яқинида)дан *vaxš(u)-wazda(h)* – ”Вахшуваздах” (Rapin, 1983, p.326; Grenet, 1983, p.376-377), Тахти–Сангин (Панж ва Вахшнинг қўшилиб Амударё ҳосил бўлган жой яқинида)дан – *Atrosōkēs* *Оксу/Ατροσωκς* *’Οζωι* – Вахш илоҳининг юнонча номланиши (Литвинский, Пичикян, 2000, с.304-307) каби атамалар ёзув наъмуналарида учрайди. Амударёнинг ўрта оқидамида, Термиздан Амударё оқими бўйлаб 20 км. ғарбда жойлашган Кампиртепадаги бактрия ёзувлари орасидан *Οαχρο*– ”Оахро” номи учрайди (Rtveladze, 1996, p.149). Шунингдек, бу маълумотларнинг яна ёзма тасдиқларини Амударёнинг қуйи оқидамидаги Тупроққалъадан *whš(u)wβrk/wahš(u)βarak* – ”Вахшубарак” (Лившиц, 1984, с.258,265), Қалъалиқир-2 дан *whšwδtk/waxšudātak* – ”Вахшудатак” (Вайнберг, 2004, с.189-190) каби атамаларда ҳам кўриш мумкин. Бу Вахш илоҳи билан боғлиқ диний қарашлар авестаизм доирасига кирмайди.

”Авесто”нинг ”Яшт” қисмидаги 5-яшт (Обон яшт) сув ва ҳосилдорлик маъбудаси Ардвисура-Анахитага бағишланган (Исҳоқов, 2001, 16-34-бетлар). Ушбу алқовда келтирилган Ворукаша денгизи, унга қуйиладиган Ардвисура-Анахита ҳақидаги маълумотларни Орол денгизи ва Амударё дельтаси билан боғловчи қарашлар ҳам мавжуд (Ртвеладзе, 2005, с.241).

Араблар босқинидан сўнг бу дарё худо-илоҳлари дарёни қўриқловчи, бошқарувчи фаришталарга айланган ва улар ислом авлиёлари билан алмашган. Шулардан бири, Хоразмдаги Амбарона бўлиб, у айнан Анахитанинг вазифасини бажарган. Авлиёнинг сувга оид хусусиятини хоразмликлар Амударёга боғлаган ва буни Хива хонларининг Оролчи-Авлиё(Аральчи-Аулия)даги сув тошқинларининг олдини олиш ва ҳосилдорликка бағишлаб ўтказилган қурбонликларида кузатиш мумкин. Амударёнинг юқори ва ўрта оқимларида яшовчи халқлар орасида

“қирқчилтон”(дарё ўзанини бошқарувчи қирқ авлиё)га ўтказилган маросим ва қурбонликларда йирик шохли қорамол ва қўйлар бағишланган. Бундай жиҳатларни “Обон яшт”да Йима (Жамшид) ва бошқа қаҳрамонларининг сув маъбудаси Ардвисура-Анаҳитага бағишлаб 100 бош от, 1000 бош қорамол, 10000 бош қўй қурбонликлар келтирганлигида ҳам кўриш мумкин (Исҳоқов, 2001, 19-31-бетлар). Шунингдек, Абу Райҳон Беруний Вахш илоҳи шарафига чорва, асосан, ҳўкиз қурбонлик келтирилганлиги тўғрисида маълумот берган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, тошқин хавфи юқори бўлган – Амударёнинг бошланиш жойидаги Тахти-Сангин, Хоразм воҳасидаги Елҳарас ва Қалъалиқир-2 лар қурбонликлар қилиш учун қулай, муҳим диний марказлар ҳисобланган.

Моддий ўхшашликлар ҳам бу фикрларни тасдиқлайди. Таъкидлаш жоизки, Тахти-Сангин ва Қалъалиқир-2 дан топилган илоҳий маъбудлар, Марсия боши тасвирланган турли хил импорт идишлар, Ахелой қомати туширилган ритон дасталари бир-бирига жуда яқиндир. Қалъалиқир-2 топилмалари билан Ойхонум топилмалари ҳам жуда ўхшашдир (Вайнберг, 2004, с.240). Бундай топилмаларни Кавказорти, Кичик Осиё, Яқин Шарқ ҳудудларида ҳам учратиш мумкин. Бу маълумотлардан шундай хулоса чиқадики, Амударё бўйлаб Ўзбой, ундан Каспий денгизи орқали Кавказ орти ва Эрон, Кура ва Фасис орқали Қора денгиз бўйлари, Кичик Осиё билан маданий алоқалар бўлган.

Маълумки, дастлабки даврларда Амударё бўйлаб Каспий ва Қора денгизгача сув йўли диний марказларни боғлаган. Буни Амударёнинг юқори оқимидаги Тахти-Сангин, Хоразм воҳасидаги Елҳарас, Сариқамиш дельтасидаги Қалъалиқир-2, Ўзбойдаги Ичанлитеп, Катта Болхондаги Гарраултепа, Кавказдаги Вани каби ибодатхона – диний марказлар орқали кузатиш мумкин (Вайнберг, 2005, с.15-16). Юқорида номлари келтирилган диний марказлар Яқин Шарқдаги, Кавказ ва Кичик Осиёдаги диний марказларнинг ўхшашликларини бир қатор олимлар ҳам қайд этишган (А.Г.

Периханян, О.И. Смирнова, В.П. Яйленко, Л.М. Левина, Б.А. Литвинский, И.Р. Пичикиян, Б.И. Вайнберг, Х. Юсупов).

Тахти-Сангиндан Амударё оқими бўйлаб Елхарасгача бошқа бундай аҳамиятли йирик диний марказ кўзга ташланмайди. Лекин, Тахти-Сангиндан кейинги Амударёнинг юқори ва ўрта оқимларида бир қанча қадимги йирик шаҳарлар – кечувлар мавжуд: Айвож, Хотинработ, Пайғамбаророл, Эски Термиз, Шўробкўрғон, Кампиртепа, Чўчкагузар, Қоракамар, Калиф, Ҳожа Салор, Оккум, Карки, Чоржўй (Ртвеладзе, 2002, с.28-66).

Амударё – Ўзбой – Каспий – Кура – Фасис – Қора денгиз савдо йўли Парфия ва Рим даврида рақобатга айланган. Бундан ташқари, Парфия даврида шимол кўчманчиларидан ҳимояланиш учун Ўзбойда Игдиқалъа, Сариққамиш бўйида Қанхақалъа каби ҳарбий истехкомлар қурилади ва шу даврдан бошлаб у ердаги диний марказлар сўна бошлаган (Юсупов, 1979, с.23-24). Милоднинг дастлабки асрларида Хоразмда Кушон ҳукмдорлари тамғаси билан зарб этирилган тангалар ва Гандҳара санъати услубларининг тарқалиши сув йўли орқали маданий алоқаларнинг давом этганлигини кўрсатади (Толстов, 1964, 165-166-бетлар). Қадимий Хоразм диёрида олиб борилган кўп йиллик археологик тадқиқотлар жараёнида қўлга киритилган ашёвий далиллар ҳудуд аҳолисининг қадимий диний эътиқодлари ва урф одатларини ёритиб берувчи энг бирламчи манба ҳисобланади. Топилган улкан асори-атиқалар мажмуаси Хоразм зардуштийликнинг асл ватанларидан бири эканлигини намоён этади.

Ўтган аср бошларидиёқ фанда Авестода зардуштийликнинг илк ватани сифатида тилга олинган “Арьянам Вайжо” мамлакатининг жойлашган ўрни хусусида турли хил илмий фаразлар пайдо бўлган эди. И. Маркварт, В. Тарн, И. Бенвенист, В.В. Бартольд, В.Б. Хеннинг, И. Гершевич, В. Хинз, С.П. Толстов, Б.Ғ. Ғофуров, В.И. Аббаев, М.И. Дьяконов, М.Г. Воробьева, А.С. Сагдуллаев, М.М. Исҳоқов каби шарқшунос олимлар “Арьянам

Вайжо”ни Хоразмга киёслаганлар⁹⁰. Вандидоднинг биринчи бобида Ахурамазда томонидан яратилган ва зардуштийлик таълимотини қабул қилган 16 та мамлакат рўйхати шимолий-ғарбдан жанубий-ғарбга томон кетма-кетликда келтирилади. Мамлакатлар орасида биринчи бўлиб Даития дарёси бўйидаги “Арьянам Вайжо” қайд қилинади⁹¹. Яшт китобида келтирилган маълумотларга асосланадиган бўлсак, Хоразм орийлар мамлакатидан жанубий-ғарбда жойлашган бўлиб, Суғд билан чегарадош эканлиги айтилади. Немис шарқшуноси В.Б. Хеннинг ўрта асрга оид Хоразм тилидаги ёзма ёдгорликлар билан Авесто тили ўртасида катта ўхшашлик борлигини қайд қилган. Бу фикр кейинчалик В.А. Лившиц, Х. Хумбах ва Мак Кензи томонидан ривожлантирилди⁹². Машҳур шарқшунос ва Авестошунос олимлар ҳам (В.В. Струве, И.М. Дьяконов, В.Г. Луконин, М. Бойс) Авестонинг энг қўхна қисмлари Хоразмда яратилган деган хулосага келганлар.

Орийлар яшаган ҳудудларни билдирувчи географик атама “Арьянам Вайжо” Б.И. Вайнберг ва А. Асқаровларнинг фикрича, илгари тасаввур қилинганидан кўра каттароқ ҳудуд бўлиб, у бутун Евроосиёнинг кенг ва бепоён чўллари қамраб олади. Хоразм эса унинг фақат жанубий қисмидир⁹³.

С.П. Толстов оташпарастлик белгиларини Хоразмнинг энеолит даврига оид ёдгорликларидан бошлаб кузатиш мумкин деган эди. Олимнинг таърифича, ҳатто мил. авв. III – II минг йилликларга оид Жонбос 4 маконида ҳам олов эътиқоди билан боғлиқ белгилар мавжуд. Чайла марказида доимо ёниб турган, муайян эътиқод билан боғлиқ ўчоқ қолдиқлари топилган. Ушбу минтақада кашф этилган буюмлар орасида ажойиб сопол ҳайкалчалар, айниқса, сеҳрли ибодат қиёфасидаги аёл диққатга сазовор. Бу кичик санъат

⁹⁰ Сагдуллаев А.С. О первых государствах Средней Азии // ТДМК “Генезис и пути развития процессов урбанизации Центральной Азии”. – Самарканд, 1995. – С. 39–40.

⁹¹ История Узбекистана в источниках ... – С. 27–28.

⁹² Лившиц В.А. Иранские языки народов Средней Азии // Народы Средней Азии и Казахстана. I. – М., 1962. – С. 138–140.

⁹³ Вайнберг Б.И. Этногеография Турана ... – С. 199; Асқаров А.А. Новые подходы ... – С. 20.

намуналари Анахита ҳайкалчалари бўлиб, у қадимий ҳосилдорлик маъбудасини ифодалайди. Мазкур образлар зардуштийларнинг кейинчалик топилган дафн кутилари – оstadонлар деворлари ва қопқоқларида тасвирланган одамларга ўхшаб кетади. Шу асосда С.П. Толстов Хоразмда қадимий культ билан зардуштийлик генетик жиҳатдан боғлиқлигини асослаган ва Авестонинг ватани Хоразм деган фикрни ривожлантирган.

Зардуштийлик пайдо бўлган дастлабки пайтларда мурдани кўмиш маросими кейинги пайтлардагидан фарқ қилган. Яъни, мил.авв. VIII асрдан V асргача ўлган одамлар жасади қушлар томонидан этлардан тозаланиши учун очик махсус дахмаларга олиб бориб қўйилган. Оstadонларга кўмиш удуми мил.авв. IV асрдан кейин пайдо бўлган. Жумладан, Хоразмнинг турли ҳудудлардан топилган оstadонлар кўрсатилган давр ва ундан кейинги даврларга оид⁹⁴.

Қадимги Бактрия маданияти таъсирида шаклланган Хоразм ёдгорликлари.

Хоразмда мил.авв. IV – I асрларда жамоат иншоотлари, шу жумладан маҳаллий аҳолининг энг қадимги диний тасаввурлари билан боғлиқ ибодатхоналар ва йирик диний-мафкуравий марказлар юзага келади. Бу диний марказлар зардуштийлик дини ғоялари асосига қурилган бўлиб, дафн маросимлари, диний тасаввурлар билан боғлиқ археологик материаллар воҳада зардуштийлик дини гуллаб-яшнаганлигини кўрсатади (65-расм).

Сўнгги йиллардаги тадқиқотларга кўра **Хазорасп** шаҳри Хоразм минтақасида илк оташкада ўрнатилган манзил сифатида қаралмоқда. Бу борада шаҳар номининг этимологияси бўйича таниқли тилшунос олим М.

⁹⁴ Сулаймонов Р., Исҳоқов М.М. Заратуштрининг ватани ва яшаган даврига оид мулоҳазалар // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 1999. – № 1. – Б. 46.

Исҳоқовнинг тадқиқотлари диққатга сазовор⁹⁵. Олимнинг қайд қилишича, Хазорасп сўзининг таркибидаги *хазар* – “минг”, *асп* – “от” деб қараш хатодир. Аслида *хазар* – Авесто тилидаги *атар* – “ўт, олов” маъноси билан боғлиқ. Бу сўз узоқ тарихий тараққиёт жараёнида тожик тилидаги *хазор* – “минг” сўзи билан товуш ўхшашлигини хосил қилган. Шаҳар номидаги иккинчи *асп* ўзаги Авесто тилида “муқаддас” демакдир. Шу маънода Хазорасп зардушт дини шаклланган дунёқараш тизимига айланишдан аввал ҳам илоҳий куёш *хвар* шарафига муқаддас олов (“адур-спан”) манзилгоҳи Хазорасп (Атураспант > Athraspənt > Азараспэ > Азарасп > Хазарасп) ёқилган манзил бўлган⁹⁶. Маҳаллий аҳоли бугунги кунда ҳам шаҳарни илмий адабиётларда кенг муомалага кириб кетган “Хазорасп” (ёки Хазарасп) шаклида эмас, балки “Хазарис” (Азарис) шаклида талаффуз қилади. Демак, Хазораспнинг бунёд бўлиши тарихий илдизлари қадимиятга, хусусан зардуштийликнинг пайдо бўлиши ва кенг ёйилиши билан боғлиқ.

Ҳозиргача қадимги Хоразмдаги энг қадимги шаҳар деб ҳисобланадиган **Кўзалиқир**дан ҳам диний мазмундаги топилмалар қайд қилинган. Кўзалиқирдаги ибодатхона мажмуаси ва шоҳларга сиғиниш эътиқоди марказида эрамиздан олдинги IV – III асрларга мансуб дафн ниқоблари ва ичи бўш ҳайкалларнинг синиқлари топилади. Кул ва майда суяк бўлакларига асосланиб, бу ичи бўш ҳайкаллар, стотуар остондон бўлган, ҳамда, дафн ниқоблари ва кул солинадиган қутисимон идишлардан остондонларга ва кейинчалик ҳайкал-хоқдонларга ўтилган деб тахмин қилинади. 1950–1954 йилларда мил.авв. V – IV асрларга оид **Ойбуйирқалъа** шаҳристонининг марказий қисмидан кўплаб остондонлар топилган. Остондонларнинг шакли бочкасимон бўлиб, ўтирган аёл ҳайкали кўплаб учрайди⁹⁷.

Зардуштийлик динидаги дафн маросимлари билан боғлиқ одатларда остондонларга солиб кўмиш **Қалъалиқир 1** ёдгорлигида ёрқин намоён

⁹⁵ Исҳоқов М.М. Хазорасп. «Минг от»ми... ё? // Ўзбек тили ва адабиёти. – Ташкент, 1997. – № 1. – Б. 72–75.

⁹⁶ Ўша жойда. – СБ. 75.

⁹⁷ Рапопорт Ю.А. Из истории религии Древнего Хорезма ... – С. 68.

бўлади. Қалъалиқир 1 ёдгорлигидаги икки ярусли хумдонларнинг айримлари «дахма» вазифасини бажарган. Жумладан, жанубий қалъа девори ёнидаги хумдонлардан бирига бир неча жасадларнинг суяклари солинганлиги аниқланган. Зардуштийликнинг энг муҳим унсурларидан бири хаома ҳисобланади. Хаомани тайёрлаш, асраш ва жамоатга етарли миқдорда кўпайтириш учун катта сопол идишлар ишлатилган бўлиб, бу идишларнинг “хум” деб аталиши ҳам хаоманинг бузиб талаффуз қилинишидан келиб чиққанлиги тахмин қилинади.

Эрамиздан олдинги IV – II асрларга мансуб **Қалъалиқир 2** обидаси кадимги Хоразмдаги диний эътиқодлар ва уларда ўтказилган маросимлар ҳақида атрофлича тасаввур бериши билан эътиборга сазовор. Мажмуадан топилган ритонлар, икки жўмакли кўзасимон кўшқулоқ сопол идиш(амфора)лар, қаварик нақшли сувдонлар, дастасида қаварик ҳайкалчалар тасвирланган хум идишлар, чироқ ва оташгоҳлар эътиқод маросимларидан дарак беради. Мажмуанинг шимолий-шарқий девори тўлқинсимон шаклда бўлиб, дарвоза ёнида иккита хона билан тугалланишини олимлар хаома ўсимлигининг танаси ва бошоғига ўхшатиб, ушбу ёдгорликни “Хаома чаноғи” ибодатхонаси деб ҳам номлашади⁹⁸.

Аждодларимизнинг жаҳаннам шимолда жойлашганлиги ҳақидаги тасаввурига биноан, Қалъалиқир 2 ибодатхонасига кириш шимол томондан бўлган ва у баланд қалин деворлар билан мустаҳкамланган. Кириш дарвоза ёнида катта оташгоҳда олов ёниб турган. Олимларнинг тахминига кўра, мазкур катта майдонда халқ оммаси кохинлар иштирокида асосий диний маросимларни ўтказган. Одамлар деворлар ёнида туриб, ичкаридан муқаддас оловни олиб чиқаётган кохинларнинг эътиқод ва ритуал ҳатти-ҳаракатларини кузатган. Қишки ва ёзги қуёш туриши даврларида кийикни қурбонлик келтириш маросими ўтказилган. Мажмуадан топилган лавҳадаги қаварик нақшнинг чап томонида кийикка камон отиб, уни қурбонлик келтираётган

⁹⁸ Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Тошкент, 2008. – Б. 271.

илоҳ Митра сахнасининг тасвири айнан шу маросимлардан бирини ифодалаган бўлиши керак. Лавҳа марказидаги бургут тасвирини олимлар зардуштийлик ва маздаизм этикодаларидан илгари мавжуд бўлган вақт ва замон олий илоҳи **Зурван** деб ҳисоблайдилар. Зардуштийлик ақидаларига кўра, Зурван эгизаклар Ормузд (Ахурамазда) ва Ахриманни дунёга келтирган.

Қалъалиқир 2 ибодатхонасидан топилган сувдондаги кавариқ тасвирда икки ўрқачли туя устида дарахтга яқинлашаётган одам тасвири мавжуд. Сувдондаги ушбу тасвирни олимлар Зардушт, дарахтни эса Авестодаги **Гаокерна** дарахти деб талкин қиладилар⁹⁹. Гаокерна хаоманинг бир тури бўлиб, танасидан сутсимон доривор модда ажратиб олинган.

Қалъалиқир 2 дан топилган тарелкасимон қопқоқ юзасида ярим ҳўкиз, ярим одам қиёфасидаги қанотли мавжудот тасвирланган. Ушбу тасвирни олимлар Зардуштий адабиётларида кенг учратиладиган биринчи одам – Гопатшоҳ (Гавомард, Йима, Жамшид) деб ҳисоблайдилар. Қалъалиқир 2 ибодатхонасидан топилган дастасига аёл боши ёпиштирилган хум топилган бўлиб, олимлар ушбу топилмани ҳам Анахита тасвири деб ҳисоблайдилар. Анахита тасвирлари Хоразмда олиб борилган археологик қазишмалар натижасида Бозорқалъа, Қўйқирилганқалъа, Жонбосқалъа, Аёзқалъа, Бургутқалъа ва Қорақумдаги Кофирқалъа ёдгорликларидан кўплаб топилган.

Зардуштийлик билан боғлиқ меъморий қурилишлар ўнг соҳил Хоразмнинг антик даврга оид энг катта ёдгорлиги бўлмиш **Ақчахонқалъа**да ҳам кўзга ташланади. Ақчахонқалъанинг ички шаҳар қисми марказида бош оташкада қад кўтарган. У жуда баланд асос-платформа устига қурилган бўлиб, унга кун ботиш дарвозаси томонидан қиялаб кўтарилувчи пандус орқали юриб чиқилган. Бугунги кунда баланд тепалик кўринишида сақланиб қолган бу тепаликнинг пастки супа қисми майдони 60 м, энг юқори устки қисми диаметри 4×4 м. Қадимда икки қаватдан иборат 10 м баландликдаги

⁹⁹ Ўша жойда.

пирамидасимон ушбу монументал бино устида ёниб турган муқаддас олов шуълалари узоқ-узоқлардан ҳам кўриниб турган.

Ички шаҳарнинг шимолий-ғарбий бурчагида юз колоннали ҳукмдор саройи жойлашган. Ҳукмдор саройи жуда маҳобатли қилиб қурилган бўлиб, унга кириш дарвозаси шаҳар бош оташкадаси томонга қаратиб қурилган. Қўшдевор оралиғидаги коридор деворлари рангли нақшлар, шоҳ ва унинг яқинлари суратлари билан безатилган. Одам расмлари орасида шоҳона кийимда бошига тож кийган шоҳ сурати ҳам учрайди. Шоҳ бошига илоҳий куш – Хумо кўниб турганлиги Ақчахонқалъанинг сиёсий марказ бўлиши билан бирга, зардуштийлик дини кенг ёйилган қадимги Хоразмнинг диний маркази бўлганлигини кўрсатади.

Анахитанинг сув ҳомийси сифатида эъзозланганига **Қўйқирилганқалъа**дан топилган мил. авв. IV асрга мансуб “шарафли илоҳа” ҳайкалчалари мисол бўла олади. Анахита ҳайкалчасининг шарфи елкаси оша оқиб тушаётган сув оқимининг рамзи бўлиб, куйлагидаги ромб шакллари эса, Шарқ эътиқодларидаги балиқ рамзини билдирган. Бундай ҳайкалчалар куйлагининг бичими ва ундаги тасвирлар турлича бўлган, аммо елкаси узра ташланган шарфни қўли билан ушлаб туриши узоқ вақт ўзгармас рамз бўлиб қолаверган. Шунга асосланиб, М.Г. Воробьева “шарафли илоҳа” – Анахита қадимги Хоразмда энг муҳим илоҳа сифатида қадрланганлигини таъкидлайди¹⁰⁰. Қўйқирилганқалъада қўлида анор ушлаган Анахита ҳайкалчалари кўплаб учрайди. Анор доналарининг кўплиги серҳосиллик ғоясини ифодалаган. Ёдгорликдан квадрат ёки тўртбурчак сопол қутилар тепасида инсон қомати ҳақиқий ёки ярим баландликда ифодаланган ҳайкал-ҳокдонлар кўплаб топилган¹⁰¹.

Қўйқирилганқалъадаги айлана шаклидаги марказий иншоот дафн ва астрал эътиқод ибодатхона-қалъаси эди. Тозабөгёб ва Калтаминор магистрал

¹⁰⁰ Воробьева М.Г. Хорезмские терракоты // Культура и искусство Древнего Хорезма. – М., 1981. – С. 189–191.

¹⁰¹ Толстов С.П. По древним дельтам ... – С. 130–132. Рис.70а, 70б, 71.

каналлари орасида жойлашган Қўйқирилганқалъа шоҳ сулоласининг мазкур минтақага хизмат қилувчи ибодатхона мажмуаси бўлган. Ёдгорликнинг ички қисмидан турли хилдаги эътиқод ашёларининг топилиши ибодатхонага турли жойлардан келган зиёратчилар ўзи яшайдиган ерга хос атама-ҳадялар ва қурбонликлар келтиргани туфайли деб ҳисоблаш мумкин. Қўйқирилганқалъа яқинидаги шартли равишда “13/70” деб номланган жойдан жуда кўплаб оссуарий қолдиқлари топилган бўлиб, ўзига хос ясаиш техникаси ва хом ашёсига эга. Мил. авв. IV – III асрларда Хоразм ҳудудидан сополдан ясалган остадонларнинг кўплаб топилиши бу даврда зардуштийлик одатларининг кучли тизимга кираётганлигидан далолат эди.

IV асрдан бошлаб Хоразмда ҳайкал-хоқдонлар муомаладан чиқиб, ўрнига сандиқча шаклидаги сопол остадонлар, II – VIII асрларга келиб эса, муайян шаклдаги ганчкори остадонлар кенг тарқалади. Ҳайкал-хоқдонларнинг муомаладан чиқишини Ю.А.Рапопорт бутпарастликка қарши турган ақидалаштирилган зардуштийликнинг кучайиб кетганлиги билан тушунтиради.

Зардуштийликнинг бирон бир маросими эътиқоднинг рамзи оловсиз ўтган эмас. Олов турли кўринишларда: қуёш олови, дарахтга яширинган олов, чакмоқ олови, инсон танасидаги иссиқлик ва оташгоҳларда ёқиладиган олов кўринишида бўлган. Ёниб турган олов ўчирилмасдан сақланган ва бегоналар ҳамда ғайридинлар назар-нафасидан асралган. Бундан ташқари ҳар бир хонадонда шу хонадон чироғи, уйнинг қўри ва алангасини доимо ёқиб сақлайдиган оилавий оташгоҳлар ҳам бўлган. Жонбосқалъадан топилган «Олов уйлар» бунга ёрқин мисолдир.

Жонбосқалъадан топилган эрамиз бошларига мансуб синиқ остадонлар ўз тузилиши билан меъморий иншоотлар тарҳини қайтариб, айримлари дафн ибодатхона-қалъаси шаклида ишланган¹⁰². Шулардан бири тўлиқ

¹⁰² Рапопорт Ю.А., Лапиров-Скобло М.С. Башнеобразные хорезмийские оссуарии // История, археология, этнография Средней Азии. – М., 1968. – С. 147–148.

реконструкция қилинган бўлиб, унинг баландлиги 42 см, пасти ва диаметри 38 см ни ташкил этади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида жойлашган **Тупрокқалъа** мажмуасидаги “Шоҳлар зали”да тасвирланган илоҳ-маъбудалар орасида бола ушлаган Анахита ҳайкали марказий ўринни эгаллаган. “Рақс тушаётган ниқоблар” залидаги деворий тасвирларда рақс тушаётган аёл ва узум токи рамзлари эса – Анахита эътиқоди билан боғланиб, ҳосилдорлик ва май сиқиш маросимларига тегишлидир¹⁰³.

Тупрокқалъанинг Хоразм пойтахти Кат билан замонадошлиги унинг шоҳ сулоласи ибодатхонаси бўлганлигини исботлайди. Унинг марказ сифатида кучайишини олимлар Кушонлар ҳукмронлигининг сусайиши ва Хоразмшоҳлар сулоласининг ривожига билан тушунтирадilar. Айни вақтда Эронда ҳали бундай ибодатхоналар бўлмаганлиги диққатга сазовор. Тупрокқалъа мажмуасида бир неча эътиқод йўналишлари (“Ниқобда рақс тушаётганлар”, “Буғулар зали”, “Шоҳлар зали”) мавжуд бўлиши динлараро тотувликдан далолат беради. Мазкур эътиқод мажмуаси дунёвий (шоҳ) ва диний (коҳин – диний раҳбар) ҳукмронлик бир шахс қўлида бирлашганлигига мисол бўла олади.

Хоразм вилоятининг Шовот тумани ҳудудида жойлашган **Тупрокқалъа** (мил. авв.V – мил. III а.) ёдгорлигининг меъморий тузилиши айлана шаклидадир. Ёдгорликнинг айлана шаклида эканлиги қадимги аҳолининг диний маросимий қурилишлари ва космогоник фалсафий қарашлари билан боғлиқлигини кўрсатади. Бу типдаги қурилишлар Қўйқирилганқалъа, Кичик Қирққиз, Чирикробод, Қалъалиқир 2 ва Говур 3 ёдгорликларида ҳам учратилади.

Ўлкамизда зардуштийлик дафн иншоотлари қаторига дахма ҳам кирган. Мэри Бойс дахмани “иншоот, қурилма” ва мархумларни чиқариш

¹⁰³ Рапопорт Ю.А. Хорезм в древности // В низовьях Окса и Яксарта: Образы древнего Приаралья. – М., 2000. – С. 62–63.

учун очик жой, “сукунат минораси” деб талқин этади¹⁰⁴. Одатда қадимги Хоразмда даҳмалар табиий тепаликлар устида бунёд этилган. Диаметри 70 м дан ошиқ бўлган **Чилпиқ** истехкомини С.П. Толстов қадимги диний мажмуа, даҳма деб ҳисоблайди¹⁰⁵. Чунки унинг ичкарасида бу ерда қачонлардир инсоннинг ҳаёт кечирганлиги билан боғлиқ ҳеч бир аломатлар кўзга ташланмайди (66-расм).

Даҳманинг табиий жойлашган ўрни Авестонинг Видевдат китобида қайд қилинган ўликлар суяги гўштидан тозаланиши учун мурдалар олиб чиқиб қўйиладиган тепаликка айнан мос келади. Зардуштийлар тасаввурида ўлганларнинг руҳи нур томон кўтарилишидан олдин уч кун ва уч тун марҳум тепасида ўтиради. Тўртинчи куни илоҳ Митра ҳамроҳлари билан инсон тақдирига ҳакамлик қилувчи баланд кўприк – чинвотга етиб боради. Бу кўприк дунёнинг энг баланд тоғида жойлашганлиги туфайли қабрларни ҳам тепаликларда ўрнатишган. Чилпиқ ёдгорлигининг географик жойлашуви келтирилган маълумотга ҳам тўғри келади. Тепаликда қурилган ушбу даҳма Хоразмнинг қадимий диний тасаввурлари билан боғлиқ ноёб ёдгорлик ҳисобланади. Чилпиқни ўраб турган теварак атрофдаги тепаликлардан бир неча остодонлар некрополи топилган.

Тўққалъадан VII – VIII асрларга мансуб 100 дан ортиқ остодонлар топилган бўлиб, улардаги хоразм ёзувларини ўқиган В.А.Лившиц зардуштийлик ўзига хос диний ва ижтимоий атамаларини фанга киритди. Олимнинг аниқлашича хоразмча шевада мақбара ва ҳокдонларнинг номи: науслар **фравартик** – “тақводорлар руҳларига мансуб”, остодонлар эса **тапанқук** – “қутича”, “сандиқча” деб аталган. Хоразмий алифбодаги ёзувларда марҳум, унинг отаси ва баъзан бобосининг исмлари келтирилиб, руҳлари жаннатда хурсанд бўлиши ҳамда кавийларча (яъни шоҳона) фарнга эришишни ўтиниб, дуолар битилган. Остодонларнинг бирида “Унинг руҳи хавф-хатарга тўла дунёдан бехатар дунёга равона бўлсин” мазмунидаги

¹⁰⁴ Бойс М. Зороастрийцы: Верования и обычаи. – М., 1987. – С. 273.

¹⁰⁵ Толстов С.П. Древний Хорезм ... – С. 72.

ниятлар битилган¹⁰⁶. Остодонлардан бирининг биқини ва қопқоғида аза тутиш билан боғлиқ дафн маросими тасвирланган бўлиб, олимларнинг талқинича, қопқоқдаги тасвир учинчи муҳит – осмонни ифодалайди: ҳилол ой – Анахита рамзи, диск эса қуёш сифатида Митранинг рамзи бўлиб, марҳумга абадий ёруғлик, яъни жаннатга эришиш тилагини билдирилган.

Тўққалъа некрополи ёнидаги шахристонда Олов уйи бўлиб, унда сўнмас муқаддас олов ёниб турганлиги мазкур мажмуанинг зардуштийликка хос эканлигини тасдиқлайди.

Қуйи маданий қатламлари антик даврга оид бўлган ўрта аср **Жигарбанд** ёдгорлигидан ҳам оловга сиғиниш билан боғлиқ маросимлар зали археологлар томонидан очиб ўрганилган¹⁰⁷. Ибодатхона ички хонасида зардуштий коҳинлар сўнмас оловни авайлаб сақлашган. Бу олов уйи араблар хуружи пайтида вайрон этилади. Араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим Хоразмга келганида қадим битиклар ва обидалар билан бирга олов коҳинларини ҳам қирганлиги ҳақида Абу Райхон Беруний ёзиб қолдирган маълумотлар мавжуд¹⁰⁸. Қадимги эътиқодларимиз илдизи йўқ қилиниб, зардуштийлик анъанасига биноан, айнан Хоразмда аланга олдирилган илк “коҳинлар олови” – Азархурра (Атур Фарнбаг) шу тариқа сўндирилган.

Хулоса қилиб айтганда, Хоразмда зардуштийлик динининг вужудга келиши қадимиятга даҳлдор бўлиб, унинг илдизлари калтаминор маданиятига бориб тақалади. Мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи ярмида эса, мазкур дин қуйи Амударё ҳавзасида ташкил топган мустақил Хоразм давлатининг давлат дини мақомини олади ва эрамизнинг VII – VIII асрларига қадар ушбу тарихий ҳудуднинг асосий диний мафкураси бўлиб қолади.

¹⁰⁶ Толстов С.П., Лившиц В.А. Датированные надписи на хорезмийских оссуариях с городища Ток-Кала // СЭ. – М., 1964. – № 2. – С. 63.

¹⁰⁷ Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Следы почитания огня в средневековом хорезмском городе // Этнография и археология Средней Азии. – М., 1979. – С. 105–112.

¹⁰⁸ Аль-Бируни абу-Рейхан-Мухаммед ибн Ахмед. Памятники минувших поколений ... – С. 48, 63.

Шундай қилиб, Амударё ва унинг ирмоқ-ўзанлари бўйлаб ўтган сув йўллари минтақанинг нафақат ички ва ташқи алоқа-коммуникация тизимида, балки маданий алоқалар , жумладан, диний қарашлар ёйилиши ривожига ҳам муҳим ҳисобланган.

Хулоса.

Инсон туйғуларини тараннум этувчи ажойиб табиий манзаралар кўп асрлик киши меҳнати ва иродаси билан янги хусн касб этади. Аммо инсоният пайдо бўлгунга қадар курра ўз қиёфасини ўзгартириш йўлида бир неча минг асрларни босиб ўтган. Масалан, геология фанининг кўрсатишича, Ўрта Осиё текисликлари учламчи даврнинг ўрталарида Тетис денгизи остида бўлган. Бир неча минг йиллар давомида иқлимнинг ўзгариши натижасида денгиз қуриб, аста-секин шимолга чекина бошлайди. Денгиз остидан кўтарилган ерлар эса тўқай ва қамишзорларга айланади. Шу даврда пайдо бўлган кўл ва дарёлар ҳар томонга оқиб, Помир ва Олой тоғларидан олиб келган тош ва лойқаларни қолдирар эди. Натижада жуда кенг майдонда турли хил экин ва дарахтлар ўсиши учун қулай бўлган серунум тупроқ — аллювий қатламлари ҳосил бўларди.

Юқоридаги каби омиллар таъсири натижасида тоғлик ва тепаликларнинг шакли ўзгара бориб, чексиз биёбонда қум уюмлари бунёдга келган ва бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрган. Шундай бир шароитда кўчма қумлар орасида — Амударё этакларида бир қанча манзилгоҳ-воҳалар пайдо бўлиб, ўлка қиёфасига кира бошлайди.

Археолог, тарихчи, этнограф ва геоморфологларнинг комплекс тадқиқотлари туфайли узоқ вақтлар ғарб фани ечолмай келган Ўзбой муаммолари ҳам ҳал этилган. Фанда илгари маълум бўлмаган янги далиллар асосида Амударёнинг қадимги оқими анча тўлиқ аниқланди, дарё тошқинининг муттасил даврлари белгиланди, қадимги воҳаларнинг шўрланиш ва чўл-биёбонга айланиш сабаблари ўрганилди. Сўнгги комплекс тадқиқотлар ва археология-топографик текширишлар натижасида суғориш техникаси ва ҳар хил этник гуруҳларнинг жойлашиш тарихига оид ниҳоятда бой материаллар тўплашга муваффақ бўлинди.

Кейинги ўттиз йилларда ўтказилган археологик тадқиқотлар туфайли Амударё ўз сирларини анча очиб берди. Каспий ва Орол денгизи ўртасидаги кенг ҳудудда юзлаб километр қуриб қолган дарё ўзанларининг қолдиқлари, катта-кичик ариқ излари, қум уюмлари орасида сезилар-сезилмас учрайдиган қадимги экин майдонлари асрлар давомида кўп сайёҳларни ҳайратда қолдирган. Тадқиқотчиларнинг тарихий геология ва гидрогеология, палеогеография (Ернинг қадимги қиёфасини текширадиган фан) ва археология соҳасида ўтказган кўп йиллик ишлари Амударёнинг келиб чиқиш тарихи ва кўпдан бери ҳал бўлмаётган Ўзбой муаммосини ечиб берди.

Амударё Ўрта Осиёнинг бошқа катта дарёлари каби учламчи даврнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. Бу Помир, Олой ва Тяньшан тоғлари кўтарила бошлаган бир давр бўлиб, бутун Ўрта Осиё текисликларини қоплаган денгиз ғарбга томон чекина бошлаган. Денгиз чекинганидан кейин очилиб қолган ерлар эса қадимги дарёларнинг тартибсиз оқиш майдонига айланади. Шундай дарёлардан энг каттаси қадимги Амударё ўша даврдан то тўртламчи давр ўрталаригача Қорақум саҳроси орқали қадимги Хазар хавзаси (ҳозирги Каспий денгизи)га қуйилган. Кейин ер қатламида бўлиб турган тектоник ҳаракатлар натижасида ва дарёнинг кучли оқимида пайдо бўлган қалин қумлоқлар Амударё йўлини ўзгартиради. Қадимги Амударё Ўрта Осиё текисликларининг пасайган томонига, яъни шимолга — ҳозирги Хоразм воҳаси томонга ёйилиб оқа бошлайди.

Дарёнинг катта ўзанларидан бири ер қатлами ўзгариши натижасида пайдо бўлган чуқурлик — Сарикамиш кўлига қуйилган, иккинчиси Оқчадарё орқали шимолга, учинчиси, эса Орол чуқурлигига оқиб янги кўл ташкил қила бошлаган. Сарикамиш кўлининг чуқурлиги 110 метр бўлиб, 11 минг квадрат метрдан кўпроқ майдонни эгаллаган, Амударёнинг асосий ўзани Сарикамишга қуйилиб, ундан Ўзбой орқали яна қадимги Каспийга оққан. Бу даврда Каспий денгизининг суви ҳозиргига нисбатан 70-80 м

баланд бўлган. Тўртламчи даврнинг бошларида Сирдарё ҳам Қизилқум саҳроларини ташлаб шимолга — Орол бўйларига қараб оқа бошлайди. Қорақум ва Қизилқум саҳроларининг шимолида учрайдиган ва ҳозиргача сақланиб келган кўҳна ўзанларнинг юзлаб километр узунликдаги излари кадимги Амударё ва Сирдарёнинг дайдиб жуда кўп тармоқлар пайдо қилганлигидан далолат беради. То тўртламчи даврнинг ўрталаригача Амударёнинг асосий тармоғи Кўҳнадарё ва Довдан бўлган. Чунки Амударё сувининг кўп қисми Сарикамишга оққан, кейин Ўзбой орқали Каспийга оққан. Ўзбой қирғоқларида, Сарикамиш чуқурлигининг жанубий ва шарқий бўйларида, Кўҳна ва Оқча дарёларининг ҳавзасида топилган жуда кўп неолит даврига оид ибтидоий маконлар ҳам тўртламчи даврнинг биринчи ярмида бу ерда сув сероб бўлганлигидан дарак беради. Бу даврда ҳали Орол чуқурлиги тўлмаган ва у ҳозирги шаклига келмаган эди, бошқача қилиб айтганда, Орол денгизи бўлмаган.

Тўртламчи даврнинг ўрталарида Хоразмнинг палеогеографик тузилишида анча ўзгаришлар рўй беради. Тектоник ҳаракатларнинг давом қилиши натижасида Орол бўйлари пасайиб Амударё шимолга қараб Оқчадарё орқали оқа бошлайди. Амударёнинг асосий суви бошқа томонга оқа бошлагани туфайли Сарикамиш чуқурлигидаги сув анча камаяди. Бинобарин, Ўзбойда эндиликда сув илгаригидай доимий бўлмасдан аҳён-аҳёнда оқиб турган.

Шундай қилиб, ибтидоий халқлар бронза даврида, яъни эрамиздан илгариги III—II минг йилликларда аста-секин шимолга — Оқчадарё бўйларига кўча бошлайдилар. Бу даврда иқлим ҳам анча ўзгариб қурғоқчилик ортади. Бронза даврида Сирдарё ҳавзаси ҳозирги шаклга кела бошлайди. Аммо ундан иккита катта ўзан — Қувондарё ва Жанадарё оқиб чиқиб, Амударё билан Сирдарё ўртасидаги кенг ҳудудда ибтидоий маконларнинг пайдо бўлишига имкон туғдиради.

Тахминан биринчи минг йилликнинг бошларида Амударё асосан ҳозирги ҳавзасини ташкил қилиб, сувнинг кўп қисмини Орол чуқурлигига куя бошлайди. Орол чуқурлиги ҳам ўша даврдаёқ 1950-йиллардаги қиёфага киради. Демак, Оролни бутун дунёдаги энг ёш денгиз дейиш мумкин.

Амударёнинг Кўҳнадарё (Дарёлик), Довдан каби ўзанларида эрамиздан илгариги биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмида сув бўлмаганлигига бу ерда учрайдиган Қанхақалъа, Кўзалиқир, Кўҳнавоз каби антик давр ёдгорликлари далил бўла олади. Аммо Амударёнинг бу ўзанларидаги сув Сариқамишгача етиб бормаи, сунъий суғориш иншоотлари орқали деҳқончиликка сарф қилинган.

Амударё ҳозирги ҳавзасига тушгандан кейин ҳам бир қанча марта ўз оқимини ўзгартирган. У вақти-вақти билан қафасга тушган Шердек ўзини ё ўнгга, ё сўлга урар, кучли оқими билан қирғоқларни бузар, суғориш иншоотларини ва деҳқончиликни бир ердан иккинчи ерга кўчиришга мажбур қилар эди.

XVI асрнинг охирига келиб Кўҳнадарёда сув бутунлай тўхтаб, Сариқамиш кўли куриб, унинг ўрнига чўл-биёбон ва шўр ерлар пайдо бўлади. Кўҳнадарё бўйидаги ажойиб ўрта аср воҳаси ва шу даврга оид Вазир каби кўп қалъалар сув камлигидан харобага айланган

Орол денгизи билан Каспий денгизи ўртасидаги катта ҳудудда ибтидоий даврдан бошлаб ўрта асрларнинг охирларигача бўлган даврга оид сон-саноксиз ёдгорликларни учратиш мумкин. Бу ҳолат Амударё қуйи оқимининг шаклланиш тарихини ва бу районнинг палеографиясини тушунишга ёрдам беради.

Амударё Ўрта Осиёнинг энг йирик дарёси бўлиб, узунлиги 2336 километрга тенг. Амударёнинг ирмоқлари беш минг метр баландликда — абадий қор ва музликлар билан қопланган Помир ва Ҳиндикуш тоғларидадир. Дарёнинг юқори қисми тоғлар орасида бўлиб, ўрта ва қуйи

қисми кенг сахро ичидан оқиб ўтади. Унинг энг юқори оқими бешта асосий ирмоқдан — Вахондарё, Помирдарё, Гунт, Ванч ва Бартонг дарёларидан иборат бўлиб, Панж (бешта) номи билан аталади. Амударё Вахш ирмоғи кўшилган жойдан бошлаб ўз номи билан (Амударё) юритилади. Бу ирмоқларнинг баланд тоғ қоялари орасидан оқиб, ҳар километр масофада беш метр пастга тушиши сабабли Амударё жуда тез ва даҳшат билан оқади ҳамда ўз тўлқинлари билан жуда кўп миқдорда серунум минерал жинсларни лойқа ҳолда оқизиб келади. Амударё 1036 километр масофада чексиз жазирама Қорақум ва Қизилқум саҳролари орасидан оқиб ўтиб, Орол денгизига келиб қуйилади. Ана шу масофада унга ҳеч қандай ирмоқ келиб кўшилмайди. Оролга тахминан 150 км қолганда — Нукус шаҳрига яқин жойдан Амударёнинг кўп тармоқли ҳавзаси бошланади. Ана шу жойлар илгари қалин қамишзор ва тўқайзорлардан иборат бўлган. Амударё дельтаси бутун Евроосиёда энг катта бўлиб, Волга дельтасига нисбатан уч ярим ҳисса, қадимги Нил дельтасига нисбатан икки ҳисса кўпроқ майдонни эгаллайди. Дельта тупроғи унумли бўлиб, деҳқончилик учун жуда ҳам қулай.

Амударё сувлари йилига бир неча марта тошади. Бу тошқинлар экинларнинг сувга муҳтож бўлган даврига тўғри келгани сабабли маҳаллий деҳқонлар кўп асрлик тажрибага асосланиб тошқинлар календарини тузганлар. Шунинг учун Хоразмда дарё тошқинининг қачон бошланишини биладиган ва дарё оқимининг қай тарзда ўзгаришини айтиб берадиган махсус кишилар ҳам бўлган.

Тошқин даврида дарё сувининг анча қисми деҳқончиликка кетади. Бутун Амударё сувининг 25 фоизи халқ хўжалигига сарф бўлади (шундан 18 фоизи фақат суғоришга кетади). Бу эса Европадаги энг катта дарёлардан бири бўлган Днепрнинг умумий сув ҳажмидан ҳам кўп демакдир. Амударёнинг деҳқончиликка кетадиган сувининг кўп қисми Хоразм воҳасида сарф бўлади.

Шундай қилиб, Амударё оқими ҳар йили 200 миллион тонна (1,2 куб км) лойқа олиб келтирган. Унинг лойқалиги машҳур Нил дарёсига

караганда икки хисса, ёзги тошқин давларида эса уч хисса ошиқ ва анча серунум. Баъзан Амударё бир йил ичида теваракдаги текисликларда 20 сантиметргача қалинликда қуйқа тўплаган. Қуйқа Амударёни табиий оқимининг ўзгартириб туриши бир неча километрларга ёйилган табиий тошлар орасида кўчиб юришига сабаб бўлиб келган. Бу эса унинг ўзига хос хусусиятидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР

I. Президент И.А. Каримов асарлари

- 1.1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ / Биз ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. Т.7. – Б. 132–154.
- 1.2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

II. Манбалар

- 2.1. Авеста. Избранные гимны из Видевдата / Пер. с авестийского Ивана Стеблин-Каменского. – М.: Дружба народов, 1993. – 207 с.
- 2.2. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам тарж. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 384 б.
- 2.3. Авесто. Яшт китоби / М. Исҳоқов тарж. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 128 б.
- 2.4. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов тарж. / Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1966. Т. I. – 486 б.
- 2.5. Аль-Бируни абу-Рейхан-Мухаммед ибн Ахмед. Памятники минувших поколений / Перевод с арабского и примечания М.А. Салье / Избранные произведения. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1957. Т. I. – 487 с.
- 2.6. Геродот. История в девяти книгах / Пер. Г.А. Стратановского. – Л., Наука, 1972. – 599 с.
- 2.7. История Узбекистана в источниках / Составитель Б.В. Лунин. – Ташкент: Фан, 1984. – 223 с.
- 2.8.

- 2.9. Страбон. География. В 17 книгах / Пер. Г.А.Стратановского. – М. – Л.: Наука, 1964. – 944 с.

III. Илмий адабиётлар

- 3.1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент, 2000. – 366 б.
- 3.2. Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. – М.: Наука, 1969. – 254 с.
- 3.3. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977. – 231 с.
- 3.4. Аскарлов А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент: Фан, 1979. – 139 с.
- 3.5. Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд: Фан, 1993. – 119 с.
- 3.6. Аскарлов А. Ўзбекистон тарихи (Энг қадимги даврлардан эраизнинг V- асригача). – Тошкент, 1994. – 224 б.
- 3.7. Аскарлов А.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Ташкент: Университет, 2007. – 339 б.
- 3.8. Бартольд В.В. Работы по исторической географии. Соч., Том III. – М.: Наука, 1965. – 713 с.
- 3.9. Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. – М.: Наука, 1987. – 299 с.
- 3.10. Боголюбов М.И. Древнеперсидские этимологии // Древний мир. – М.: Наука, 1962. – С. 367–370.
- 3.11. Болелов С.Б. Хорезмийское государство // История государственности Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 2009. Т. I. – С. 193–210.
- 3.12. Вайнберг Б.И. Куюсайская культура раннего железного века в Присарыкамышской дельте Амударьи // Успехи среднеазиатской археологии. Вып. 3. – Л., 1975. – С. 42–48;
- 3.13. Вайнберг Б.И. Монеты древнего Хорезма. – М.: Наука, 1977. – 195 с.

- 3.14. Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности. – М.: Наука, 1999. – 332 с.
- 3.15. Виноградов А.В. Тысячелетия погребенные пустыней. – М.: Просвещение. 1966. – 185 с.
- 3.16. Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма // МХЭ. Вып. 8. – М., 1968. – 178 с.
- 3.17. Виноградов А.В., Итина М.А., Кесь Э.Д., Мамедов Э.Д. Палеогеографическая обусловленность расселения древнего человека в пустынях Средней Азии // Первобытный человек, его материальная культура и природная среда в плейстоцене и голоцене. – М., 1974. – С. 290–295.
- 3.18. Виноградов А.В., Итина М.А., Яблонский Л.Т. Древнейшее населения низовий Амударьи (Археолого-палеоантропологическое исследование). // ТХАЭЭ. – М., 1986. Т. XV. – 300 с.
- 3.19. Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Следы почитания огня в средневековом хорезмском городе // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 105–112.
- 3.20. Воробьева М.Г. Проблема «Большого Хорезма» // Археология и этнография Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 38–42.
- 3.21. Воробьева М.Г. Хорезмские терракоты // Культура и искусство Древнего Хорезма. – М., 1981. – С. 189–191.
- 3.22. Гафуров Б.Г. Таджики (Древнейшая, древняя и средневековая история). – М.: Наука, 1972. – 658 с.
- 3.23. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Ташкент: Изд-во АН Уз ССР, 1957. – 313 с.
- 3.24. Дандамаев М.А. Ахеменидское государство и его значение в истории древнего востока // История Иранского государства и культуры. – М., 1971. – С. 94–105.
- 3.25. Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. – М.: Наука, 1980. – 340 с.

- 3.26. Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы. – М.: Наука, 1985. – 319 с.
- 3.27. Дьяконов И.М. История Мидии от древнейших времен до конца IV в. до н.э. – М. – Л., 1956. – 485 с.
- 3.28. Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира (К возможности новых постановок вопроса) // История Иранского государства и культуры. – М.: Наука, 1971. – С. 122–154.
- 3.29. Дьяконов М.М. Очерк истории древнего Ирана. – М.: Изд-во Вост. лит., 1961. – 273 с.
- 3.30. История государственности Узбекистана. Том I. – Ташкент: Узбекистан, 2009. – 560 с.
- 3.31. История Хорезма с древнейших времен до наших дней / Под ред. И.М. Муминова. – Ташкент: Фан, 1976. – 316 с.
- 3.32. Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. –Ташкент, 2008. – 343 с.
- 3.33. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Тошкент: ЖИДУ, 2008. – 662 б.
- 3.34. Кесь А.С. Русло Узбой и его генезис // ТИГ АН СССР. Вып. 30. – М.-Л., 1939. – С. 145-158.
- 3.35. Кесь А.С. Аральское море в голоцене // Археология и этнография Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 19–23.
- 3.36. Лившиц В.А. Иранские языки народов Средней Азии // Народы Средней Азии и Казахстана. – М., 1962. Т. I. – С. 131–158.
- 3.37. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент, Академия, 2008. – 432 б.
- 3.38. Мамбетуллаев М.М. Ремесло древнего Хорезма VII в до н.э – IV н.э. // История и материальная культура Каракалпакстана. – Нукус, 2006. – С. 19–26.
- 3.39. Маньковская Л.Ю., Булатова В.А. Памятники зодчества Хорезма. – Ташкент: Гофур Гулом, 1978. – 192 с.

- 3.40. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // Материалы и исследования по археологии СССР (МИА). №73. – М. – Л.: Наука, 1959. – 216 с.
- 3.41. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. – М. – Л.: Наука. 1964. – 467 с.
- 3.42. Массон В.М. Цивилизация древнего Хорезма (этапы и пути самоидентификации) // ИМКУ. Вып. 30. – Самарканд, 1999. – С. 88–95.
- 3.43. Массон М.Е. К вопросу о северных границах государства «Великих Кушан» // Центральная Азия в Кушанскую эпоху. – М.: Наука, 1975. Т. II. – С. 42–48.
- 3.44. Неразик Е.Е. Древние города Хорезма и пути их развития // Центральная Азия. Источники. История. Культура. – М.: Изд-во Вост. лит., 2005. – С. 543–561.
- 3.45. Низовья Аму-дарьи, Сарыкамыш Узбой (История формирования и заселения) // МХЭ. Вып. 3. – М.: Изд-во Академии наук СССР, 1960. – 347 с.
- 3.46. Приаралье в древности и средневековье. – М.: Изд-во Вост. лит., 1998. – 300 с.
- 3.47. Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования // История таджикского народа. – Душанбе, 1998. – С. 238–249.
- 3.48. Рапопорт Ю.А. Из истории религии Древнего Хорезма // ТХАЭЭ. Т. VI. – М.: Наука, 1971. – 125 с.
- 3.49. Рапопорт Ю.А. Хорезм в древности // В низовьях Окса и Яксарта. Образы древнего Приаралья. – М., 2000. – С. 15–68.
- 3.50. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001. – 417 б.
- 3.51. Сагдуллаев А. С. Усадбы Древней Бактрии. – Ташкент, 1987. – 127 с.
- 3.52. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 110 б.

- 3.53. Ставиский Б.Я. Средняя Азия и ахеменидский Иран // История иранского государства и культуры. – М.: Наука, 1971. – С. 155–163.
- 3.54. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшеб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII в. до н. э – VII в. н. э. – Самарканд – Ташкент.: Фан, 2000. – 343 с.
- 3.55. Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. – М. – Л.: Наука, 1948. – 328 с.
- 3.56. Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. – М.: Изд-во МГУ, 1948. – 352 с.
- 3.57. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: Наука, 1962. – 324 с.
- 3.58. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. – Тошкент, 1964. – 325 б.
- 3.59. Фрай Р. Наследие Ирана / Пер. с англ. В.А. Лившица и Е.В. Зеймаля. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Изд-во Вост. лит., 2002. – 463 с.
- 3.60. Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии (Античность и раннее средневековье). – Ашхабад: Ылым. 1983. – 210 с.
- 3.61. Ходжаниязов Г. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 216 б.
- 3.62. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Ташкент, 2000. – 119 с.
- 3.63. Ширинов Т. Қадимги Бактрия подшолиги “Катта Хоразм” (эрамизгача бўлган VII–VI асрлар) // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 8–13.
- 3.64. Эшов Б. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи. – Тошкент, 2006. – 236 б.
- 3.65. Ягодин В.Н. Генезис и ранние этапы развития древнехорезмийской государственности // Ўрта Осиё археологияси тарихи ва маданияти. – Тошкент, 2002. – С. 128–129.

- 3.66. Ягодин В.Н. Генезис и формирование раннехорезмийской государственности // История государственности Узбекистана. – Ташкент. Узбекистан, 2009. – С. 106–131.
- 3.67. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 176 б.
- 3.68. Гуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент: ЎзФА, 1959. – 323 б.

IV. Журнал мақолалари

- 4.1. Анорбоев А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиши тарихида баъзи бир муоммолар // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2004. – № 4. – Б. 3–13.
- 4.2. Аскарлов А. Новые подходы к изучению истории Древнего Хорезма // O'zbekiston tarixi. – Ташкент, 2007. – № 4. – С. 11–21.
- 4.3. Исҳоқов М.М. Хазорасп. “Минг от”ми... ё? // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент, 1997. – № 1. – Б. 72–75.
- 4.4. Исҳоқов М.М. Қадимий сиёвушийлар сулоласи: асотирми ёки ҳақиқат? // Шарқ машъали. – Тошкент (ТДШИ), 2008. – № 1–2 (33). – Б. 30–32.
- 4.5. Камолиддин Ш. Народные предания о происхождении хорезмийцев и историческая действительность // O'zbekiston tarixi. – Ташкент, 2004. – № 4. – С. 47–58.
- 4.6. Лившиц В.А. Хорезмийский календарь и эры древнего Хорезма // ПС. 21(84). – М., 1970. – С. 161–169.
- 4.7. Пьянков И.В. К вопросу о маршруте похода Кира II на массагетов // ВДИ. 1964. – М., 1964. – № 3. – С. 115–130.
- 4.8. Пьянков И.В. «История Персии» Ктесия и среднеазиатские сатрапии Ахеменидов в конце V в. до н.э. // ВДИ. – М., 1965. – № 2. – С. 35–48.

- 4.9. Пьянков И.В. Хорасмии Гекатея Милетского // ВДИ. – М., 1972. – № 2. – С. 3–20.
- 4.10. Ртвеладзе Э.В. Титулы правителей государств и владений Средней Азии в начале I тыс. до н.э. // ОНУ. – Ташкент, 2006. – № 5–6. – С. 46–57.
- 4.11. Сагдуллаев А.С, Абдуллаев У.И. История Хорезма в свете исследований С.П. Толстова (эпоха поздней бронзы и раннего железа) // O'zbekiston tarixi. – Ташкент, 2007. – № 4. – С. 4–10.
- 4.12. Сулаймонов Р., Исхоков М.М. Заратуштрининг ватани ва яшаган даврига оид мулоҳазалар // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 1999. – № 1. – Б. 45–53.
- 4.13. Толстов С.П. Древности Верхнего Хорезма (Основные итоги работ Хорезмской экспедиции ИИМК 1939 г.) // ВДИ. – М., 1941. – 1 (14). – С. 155–184.
- 4.14. Шайдуллаев Ш. Илк давлатларнинг археологик белгилари // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2002. – № 3. – Б. 3–10.
- 4.15. Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси // Ўзбекистон тарихи. 1999. – № 1. – Б. 31–34.
- 4.16. Қудратов С. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатлар пайдо бўлишининг баъзи масалалари // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 1999. – № 2. – Б. 9–14.

V. Конференция, симпозиум ва семинар маърузалари тезислари


- 5.1. Асқаров А. Хива шаҳар маданиятининг шаклланиши ва унинг асосий босқичлари // Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. – Тошкент, 1997. – Б. 165–166.
- 5.2. Асқаров А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндошувлар. ЎзР ФА. Тарих институти. – Тошкент, 2004. – Б. 76–84.

- 5.3. Сагдуллаев А.С. Вопросы типологии и хронологии древнейших государств Средней Азии // Средняя Азия и мировая цивилизация. – Ташкент, 1992. – С. 121–133.
- 5.4. Сагдуллаев А.С. О первых государствах Средней Азии // ТДМК. Самарканд: 1995. – С. 39–40.

VII. Диссертация ва авторефератлар


- 6.1. Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бактрия мисолида) // Тарих фан. докт. ... дисс. – Самарқанд, 2009. – 289 б.

ИЛОБА



AMUDARYO BO'YIDAGI QADIMG'I DAVR YODGORLIKLARI

4. Sho'rob
5. Payg'ambarorol
6. Pattakesar
7. Xoja Gul'sed'yar
8. Xotmrabot
9. Al-Qiyosin
10. Ayvoj
11. Kishtepa
12. Teraytshoh
13. Qal'atqizil
14. Ashon
15. Sarob
16. Shoh Ravon
17. Paxor
18. Darlat



Безымянный2.bmp
 Тип: точечный рисунок
 Размер: 2,25 МБ
 Разрешение: 1024 x 768
 точек



